

1930 йил
12 МАЙДАН
ЧИҚА
БОШЛАГАН



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИБ ҲАЙЪАТИ НАШРИ

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

Тасвир

№ 99 — 100


(2636—2637)

1993 йил


17 ДЕКАБРЬ

ЖУМА

СОТУВДА ЭРКИН
НАРХДА



ХАЛҚ ХИЗМАТИГА ОТЛАНИШДИ



Шу кунларда Тошкент шаҳар ИИББ қошидаги милиция ходимларининг бошланғич тайерлов мактаби битирувчи-тингловчилари кўтаринки кайфиятдалар. Боиси, улар ҳақиқий милиционерлик касбини эгаллаганликлари ҳамда эл-юртга садоқат билан хизмат қилажаклари тўғрисида қасамд қабул қилдилар.

Дарвоқе, 1971 йилда ташкил топган мазкур мактаб ўтган давр мобайнида йигирма мингдан ортиқ осойишталик посбонларини халқ хизматига йўллади. Демакки, шунча милиция ходимлари республикамиз барча вилоятлари ички ишлар идораларида астойдил хизмат қилишмоқда. Ҳозирги кунда мазкур мактабни битирганларнинг кўпчилиги республика Ички ишлар вазирлиги ва ички ишлар идораларида юқори лавозимларда ишламоқдаларки, бу қувонарли, албатта. Яқинда мазкур мактаб бошлиғи этиб тайинланган милиция подполковниги А. Шодиев шу даргоҳда таълим олган.

Қасамд қабул қилиш маросимида шу мактабда узок йиллар самарали хизмат қилган фахрий, таниқли ёзувчи, милиция соҳасига оид ўнлаб китоблар муаллифи, милиция полковниги Қ. Гойбназаров, милиция майори П. Анпилов, ИИБ ШТИХ ўринбосари, милиция майори Ҳ. Жўраевлар иштирок этишиб, битирувчиларга ўзларининг самимий дил сўзларини изҳор этдилар.

Шунингдек, сўзга чиққан битирувчи-тингловчилар — милиция старшиналари Э. Ойназаров ва Ж. Айбожоновлар ҳам мактаб раҳбарияти ва устозларига сидқидилдан миннатдорчилик изҳор этишди ва эгаллаган билимларини халқ хизмати йўлида сарф этажакларини билдирдилар.

Т. ҲОШИМОВ,
милиция капитани

Суратларда: ҳаяжонли лаҳзалар; тантанали маросим олдидан ўтганлар яна бир бор ёдга олинди.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодексини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши ҚАРОР ҚИЛАДИ:

Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси тасдиқлансин ва у эълон қилинган кундан бошлаб амалга киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри, 1993 йил, 2 сентябрь.

(“Ўзбекистон Республикасининг Хўжалик процессуал кодекси”ни газетанинг 2, 3-бетларида ўқийсиз.)

Шу сонга хабар

Қотил ким?

Шу йилнинг 11 декабрь кунини тушга яқин Тошкент — Чирчиқ йўлида 11-12 ёшлардаги ўқувчи болани автомашина уриб кетди.

Талвасада қолган ҳайдовчи қаттиқ жароҳатланган болани машинасига ётқизиб, шонганича йўлга тушди...

Агар бола ўз вақтида касалхонага олиб келинганда, балки омон қолармиди? Аммо у қор устида икки соатга яқин тўлганиб ётган, кейинроқ маълум бўлишича, ҳайдовчи болани Чирчиқ шаҳрининг 8-мавзесига хилват бир жойга ташлаб, ўзи қочиб кетган экан. Орадаги ўтган икки соатлик вақт эса ўз ишини қилиб бўлганди. “Тез ёрдам”да келтирилган боланинг касалхонада жони узилди.

Қибрай тумани ИИБ ДАН ходимларининг тинимсиз ҳаракатлари натижасида автоҳалокат содир этиб яширинган ҳайдовчи ярим тунга етмаёқ қўлга олинди.

Ушбу воқеанинг тўлиқ тафсилоти билан газетамизнинг навбатдаги сонидан танишасиз.



ҲУҚУҚШУНОСЛАР АНЖУМАНИ



Тошкентда “Ўзбекистон Республикасининг янги кодекслари: назария ва амалиёт” мавзусида илмий-амалий конференция бўлди. Уни республика Адлия вазирлиги билан Ички ишлар вазирлиги ташкил этди.

Конференцияда Ўзбекистон ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, амалиётчи ҳуқуқшунослар иштирок этдилар. Улар янги кодексларнинг лойиҳаларини муҳокама қилдилар. Бу лойиҳаларни тайерлашга республиканинг энг яхши ҳуқуқшунослари жалб этилган. Тўпланганлар таъкидлаб ўтганларидек, уларни тайерлаш чоғида халқаро ҳуқуқ меъёрлари, кўпгина хорижий давлатлар ҳуқуқни муҳофаза қилиш маҳкамаларининг иш тажрибаси эътиборга олинган.

Даврининг ўзи янги ҳуқуқ тартибларини тайерлашни тақозо этмоқда. Ўзбекистон халқаро майдонга дадил чиқиб олди, республикамизнинг мустақиллигини жаҳондаги мамлакатларнинг кўпчилиги эътироф этган. Сиёсий ва иқтисодий

ҳаётдаги ўзгаришлар янги кодексларни қабул қилишни, шу жумладан фуқаролар, фуқаро-процессуал, жиноий, жиноий-процессуал, маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодекслар қабул қилинишини тақозо этади.

Анжуман қатнашчилари янги кодекслар лойиҳаларини муҳокама қилдилар ва маъқулладилар. Сўзга чиққан нотиклар бу кодексларнинг лойиҳалари мустақил Ўзбекистон Конституциясининг асосий қоидаларига мослаштирилганини таъкидладилар. Уларда янги ижтимоий тузум шароитида республика фуқаролари ва ҳуқуқий шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, бурчлари ва масъулияти кўзда тутилган.

Конференцияда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раисининг ўринбосари Э. Халилов, Республика Конституциявий суди раиси вазифасини бажарувчи Ш. Ўразаев иштирок этдилар.

(ЎзА мухбири).

Суратларда: анжуман ишидан лаҳзалар.
Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

ИККИ ЖУМА ОРАЛИҒИДА

МЕНИНГ РАШКИМ БАЛОДУР...

Сирдарё вилоятининг Ховос туманидаги Амир Темур номли давлат хўжалигида яшаган 35 ёшли И. Саримсоқова сирли равишда ўлдириб кетилганди. Тинимсиз қидирувлар ўз натижасини берди. Қотил шу хўжаликда яшовчи 29 ёшли аёл экан. Аёл қотиллик сабабини “рашк туфайли” дея изоҳлади...

ТАНГАЯМ БОР

Тошкент вилоятининг Ҳасанбой қишлоғида яшовчи К. Азимов 100 АҚШ долларини 300000 сўм-купонга сотаётган вақтда ушланди. Текширув жараёнида унинг ёнидан 492 АҚШ доллари, 300000 сўм-купон ва яна 900 Қозоғистон тангаси топилди.

МУЛЛАНИНГ АЙТГАНИНИ ҚИЛ...

Сурхондарё вилоятининг Узуи туманидаги нефть-ёнилғи маҳсулот базасининг ички ишлар идоралари ходимларига маълум бўлган бир гуруҳ мансабдор

шахслари ўзаро жиноий тил бириктириб, 4 миллион 600 минг сўмлик нефть ва ёнилғи маҳсулотларини талон-торож қилишган. Ҳозирда текширув ишлари олиб борилмоқда.

ЧўНТАҚДА ҚУРОЛ БОРМИ...

демак, албатта ният бузуқ бўлади. Шундай нияти бузуқлардан биттаси Тошкент Шимолий темир йўл бекатида ушланди. 28 ёшли Қозоғистон фуқароси С. Алексеевнинг ёнидан Италияда ишлаб чиқарилган газли тўппонча ўқлари билан бирга топилди. Терговни ИИБ олиб бормоқда.

БУНИСИ АЖАБ...

Андижон вилоятининг Асака туманида “Янги ҳаёт” жамоа хўжалигида яшовчи 32 ёшли М. Маматоҳунов ушланди. Унинг ёнидан қўлда ясалган авторучка-тўппонча (бир дона ўқи билан) чиқди...

А. СОДИҚОВ,
Республика ИИБ
Матбуот маркази ходими.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ХЎЖАЛИК ПРОЦЕССУАЛ КОДЕКСИ

I БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1-модда. Низоларни хўжалик суди томонидан ҳал этиш тартиби тўғрисидаги қонунлар

Хўжалик суди ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, "Судлар тўғрисида"ги Қонунига, ушбу Кодексга ва Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси билан бошқа давлатлар ўртасидаги кўп томонлама ва икки томонлама шартнома ҳамда битимларга амал қилади.

Хўжалик суди хорижий ҳуқуқ нормаларини Қонунга биноан қўллаيدди.

Низоли муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари бўлмаган тақдирда хўжалик суди шунга ўхшаш муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларини қўллайдди.

Хўжалик суди ўз ваколати доирасида фуқаролик ҳуқуқий муносабатлари (иқтисодий низолар)дан ёки бошқарув соҳасидаги ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқувчи низоларни ҳал этади.

2-модда. Хўжалик судига мурожаат қилиш ҳуқуқи

Хўжалик судига, унинг судловига тегишли ҳар хил шаклдаги мулкка эга бўлган корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, шу жумладан жамоа хўжаликлари, хусусий корхоналар, қўшма корхоналар ҳамда Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатлар ташкилотларининг халқаро бирлашмалари ўзларининг бузилган ёки даъво қилинаётган ҳуқуқларини ёхуд қонуний манфаатларини ҳимоя этишни сўраб мурожаат қилишга ҳақлидирлар.

Хўжалик судига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунларида назарда тутилган ҳолларда давлат органлари ва ўзга органлар, бошқа шахслар мурожаат этишга ҳақлидирлар.

Хўжалик судига мурожаат этиш ҳуқуқидан воз кечиш ҳақиқий эмас.

3-модда. Хўжалик судида иш қўзғатиш

Хўжалик суди: манфаатдор ташкилотларнинг; давлат органлари ва бошқа органларнинг; давлат ва ташкилотлар манфаатларини кўзлаб тегишли хўжалик судига мурожаат этган Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ёки унинг ўринбосарларининг, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларнинг ўринбосарларининг аризалари асосида иш қўзғатади.

Матнда бундан буён "ташкилотлар" деб юртилилади.

4-модда. Низоларнинг хўжалик суди томонидан ҳал этилиши

Низоларни ҳал этиш битта судьядан иборат таркибдаги, хўжалик низоларини ҳал этиш бўйича судлов ҳайъати мавжуд бўлган тақдирда эса битта ёки учта судьядан иборат таркибдаги хўжалик суди томонидан амалга оширилади. Хўжалик судининг сон таркибини хўжалик низоларини ҳал этиш бўйича судлов ҳайъатининг раиси белгилаб беради.

Хўжалик суди томонлар ўртасида келишувга эришилишига кўмаклашади ва шу келишувга мувофиқ ҳал қилув қарори қабул қилинади.

Башарти, томонлар ўртасидаги келишув қонунларга, ҳақиқий аҳволга ва иш материалларига эид бўлса, хўжалик суди қарор қабул қилиш чоғида бундай келишувга амал қилмайди.

5-модда. Томонларнинг тенглиги

Хўжалик судида низоларни ҳал этиш мулк, шакли, бўйсунлиши ва қаерда жойлашганидан ҳамда бошқа ҳолатлардан қатъи назар, ташкилотларнинг қонун олдида ва хўжалик суди олдида тенглиги асосида амалга оширилади.

6-модда. Хўжалик низоларини ҳал этишнинг ошкоралиги

Хўжалик судида низолар ошқора ҳал этилади, давлат ёки тижорат сирларини сақлаш манфаатларига эид келадиган ҳоллар бундан мустаснодир.

7-модда. Хўжалик судида судлов ишлари олиб бориладиган тил.

Хўжалик судида судлов иши давлат тилида, Қорақалпоғистон Республикасида эса қорақалпоқ тилида ҳам олиб борилади.

Суд жараёнида олиб борилаётган тилни билмайдиган томонларнинг вакиллари, судлов жараёнининг бошқа қатнашчиларига таржимон орқали ишга доир барча материаллар билан танилиши ва суд ишларида иштирок этиш ҳуқуқи ҳамда судда она тилида сўзлаш ҳуқуқи таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг ташкилотлари ўртасидаги хўжалик низолари суднинг аниқловига биноан томонларга маъқул бўлган тилда қўрилади.

8-модда. Қарорнинг кучга кириши ва унинг мажбурийлиги

Хўжалик судининг қарори (ҳал қилув қарори, ажрим) қабул қилиниши биланоқ дарҳол кучга киради. Кучга кирган қарор устидан ушбу Кодекснинг 87, 90, 91, 92, 94 ва 102-моддаларида белгиланган тартибда шикоят қилиниши ёки протест берилиши мумкин. Қарор Ўзбекистон

Республикаси ҳудудида ва давлатлараро битимга мувофиқ бошқа давлатларнинг ҳудудида ташкилотлар ҳамда уларнинг мансабдор шахслари томонидан бажарилиши мажбурийдир.

II БОБ. ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИНИ СУДГАЧА ҲАЛ ҚИЛИШ

9-модда. Даъволарни тақдим этиш тартиби

Мулкий ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари бузилган ташкилот бу ҳуқуқлари ва манфаатларини бузган ташкилотга даъво қилишга ҳақлидир.

Даъво ёзма равишда тақдим этилади.

Даъвода куйидагилар кўрсатилади:

даъво қилаётган ва даъво қаратилган ташкилотларнинг номлари; даъво берилган кун ва унинг тартиб рақами;

даъво бериш учун асос бўлган ҳолатлар; даъвода кўрсатилган ҳолатларни тасдиқловчи далил-исботлар;

аризачининг талаби;

даъвонинг миқдори ва унинг ҳисоб-китоби, даъво аризаси бераётганнинг тўлов ва почта маълумотлари;

даъвога илова қилинаётган ҳужжатларнинг рўйхати.

Даъво ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Даъво буюртма хат билан ёки қимматли хат шаклида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек унинг жўнатирилганлиги қайд қилиниши таъминловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Юқлари ташиш ва алоқа хизмати кўрсатиш юзасидан транспорт ва алоқа ташкилотларига қаратилган даъволарни тақдим этиш тартиби ва муддатлари тегишли қонун ҳужжатларида белгиланади.

10-модда. Даъволарни қараб чиқиш тартиби ва муддатлари

Даъво тақдим этилган ташкилот даъвои олган кундан бошлаб бир ой муддат ичида унга жавоб қайтариши шарт.

Даъвога берилган жавоб ташкилот раҳбари ёки унинг ўринбосари томонидан имзоланади.

Даъвога берилган жавоб буюртма хат билан ёки қимматли хат шаклида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек унинг жўнатирилганлиги қайд этилиши таъминловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда жўнатилади ёхуд тилхат олиб топширилади.

Даъвои бир ой муддат ичида қараб чиқиш тартиби бузилган ёки даъво жавобсиз қолдирилган ҳолларда хўжалик суди низони қараб чиқаётганда бундай тартиббузарликка йўл қўйган ташкилотдан даъво суммасининг 5-фонзини республика бюджетни фойдасига ундиришга ҳақлидир.

Даъвои бутунлай ёки қисман тан олган тақдирда ташкилот ана шу тан олинган суммани ихтиёрий равишда аризага ўтказиши шарт.

Даъвои тан олиш тўғрисидаги жавобда тан олинган суммани ўтказиш тўғрисида маълум қилинмаган бўлса, даъвогар жавоб олгандан кейин 20 кунлик муддат ўтгач, қарздор тан олган суммани сўзсиз чегириб олиш хусусидаги фармойишини банкка тақдим этишга ҳақлидир. Фармойишга қарздорнинг жавоби илова қилинади.

Даъвои қондиришдан бутунлай ёки қисман бош тортилган ҳолларда ёки жавоб ўз муддатда олинмаганида аризага хўжалик судига даъво билан мурожаат қилишга ҳақлидир.

11-модда. Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш пайтида юзага келган келишмовчиликларни ҳал этиш

Хўжалик шартномаларини тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш пайтида ташкилотлар ўртасида юзага келган келишмовчиликлар шартнома лойиҳаси, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисида таклиф олинган кундан бошлаб 10 кунлик муддат ичида ташкилот раҳбари ёки ташкилот раҳбарининг ўринбосарлари томонидан қараб чиқилади.

Шартнома шартлари қабул қилинса, унинг лойиҳаси имзоланади ва шартноманинг иккинчи нусхаси шартнома лойиҳасини йўллаган томонга қайтарилади. Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифлар қабул қилинганлиги ҳақида иккинчи томонга хат жўнатилади.

Шартнома шартлари бўйича эътирозлар бўлган тақдирда шартнома лойиҳасини олган ташкилот келишмовчиликлар баёнини тузади, бу ҳақда шартномада қайд этиб қўяди ва 10 кунлик муддат ичида икки нусхада тайёрланган келишмовчиликлар баёнини имзоланган шартнома билан иккинчи томонга жўнатилади.

Келишмовчиликлар баёнини олган ташкилот 20 кунлик муддат ичида шартнома тузилаётган томон билан уни қараб чиқиши ва шу муддатда муроаса келинмаган масалаларни хўжалик судининг муҳокамасига йўллаш шарт.

Бахсли масалалар шу муддатларда хўжалик суди муҳокамасига киритилмаган ҳолларда

шартнома келишмовчиликлар баёни таҳририда тузилган деб ҳисобланади.

Шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш тўғрисидаги таклифга жавоб олинмаганда ёки рад жавоби олинганда манфаатдор томон 20 кунлик муддат ичида хўжалик судига мурожаат қилишга ҳақлидир.

III БОБ. ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИНИНГ СУДЛОВГА ТЕГИШЛИЛИГИ

12-модда. Олий хўжалик судининг судловларга тегишли хўжалик низолари

Олий хўжалик суди:

1) 100 миллион сўмдан ортиқ суммага хўжалик шартномалари тузилганда, у ўзгартирилганда ва бекор қилинганда, шунингдек шартномаларни ижро этиш чоғида ва бошқа асослар бўйича, даъво 5 миллион сўмдан ортиқни ташкил этганда турли давлатлар ва Ўзбекистон Республикасининг вилоятларида жойлашган томонлар ўртасида юзага келадиган низоларни, Ўзбекистон Республикасининг қонунларига мувофиқ ҳал этилиши ўзга органлар ихтиёрига берилган низолар бундан мустаснодир;

2) Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органларининг ва бошқа республика органларининг қонунларга мос келмайдиган ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузувчи норматив хусусиятга эга бўлмаган ҳужжатларини (бутунлай ёки қисман) ҳақиқий эмас деб эътироф этиш ҳақидаги низоларни;

3) Ўзбекистон Республикаси давлат бошқаруви органлари ва бошқа республика органлари томонидан норматив хусусиятга эга бўлмаган, қонунларга мос келмайдиган ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини бузувчи ҳужжатларни нашр этиш натижасида ёхуд кўрсатиб ўтилган органларнинг ташкилотларга нисбатан ўз вазифаларини лозим тарзда амалга оширмакликлари натижасида ташкилотларга етказилган зарарларнинг ўрнини қоплаш ҳақидаги низоларни;

4) республика бошқарув органлари ўртасидаги иқтисодий битимлардан келиб чиқадиган низоларни;

5) Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларини қўллаш билан боғлиқ бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, давлатлараро битимлар ва халқаро шартномаларда Ўзбекистон Республикаси хўжалик судлари ихтиёрига берилган бошқа низоларни ҳал этади.

Ўзбекистон Республикасининг Олий хўжалик суди хўжалик судлари судловига тегишли ҳар қандай низони ўз ижросига қабул қилишга ва ҳал этишга ҳақлидир. Шунингдек ушбу модданинг биринчи банди ҳамда ушбу Кодекснинг 13-моддасида белгиланган даъво қийматидан юқори ёки паст бўлган низоларни қабул қилиш ва ҳал этиш ҳақида хўжалик судларига умумий топшириқлар беришга ҳақлидир.

13-модда. Қорақалпоғистон Республикасининг ҳамда вилоятларнинг хўжалик судлари ҳал этадиган низолар

Қорақалпоғистон Республикасининг ҳамда вилоятларнинг хўжалик судлари ўзига тегишли бўлган барча низоларни ва 1000 сўмдан ортиқ бўлган мулкий низоларни ҳал этадилар. Олий хўжалик суди тасарруфига киритилган низолар бундан мустаснодир.

14-модда. Судларда низоларни кўриб чиқишнинг ҳудудий тегишлилиги

Хўжалик шартномаларини тузиш, уларни ўзгартириш ва бекор қилиш чоғида юзага келадиган низолар маҳсулот етказиб бераётган ёки хизмат кўрсатаётган корхона (ташкilot) жойлашган ердаги хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Шартномаларни ижро этишда ва бошқа асосларда пайдо бўладиган низолар жавобгар жойлашган ерда кўриб чиқилади.

Давлат органларининг ҳужжатларини ҳақиқий эмас деб топишга доир низолар ҳужжати чиқарган давлат органи жойлашган ердаги хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Иш юзасидан бир неча жавобгар қатнашаётган бўлса, низо даъвогарнинг хоҳишига биноан жавобгарларнинг бири жойлашган ердаги хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

15-модда. Низоларнинг алоҳида судловга мансублиги

Транспортда ташиш шартномалари бўйича, шу жумладан халқаро шартномалар бўйича келиб чиқадиган низолар жавобгарлардан бири транспорт органи бўлса, бу иш транспорт органи жойлашган ердаги хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади.

Давлат ҳужжатини ёки республика бўйсунувигадаги ўзга орган ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топишга доир низолар Олий хўжалик суди томонидан, маҳаллий бўйсунувдаги орган ҳужжатини ҳақиқий эмас деб топишга доир низо эса Қорақалпоғистон Республикаси ёки вилоят хўжалик судлари томонидан кўриб чиқилади.

16-модда. Даъво материалларини тегишли судловларга ўтказиш ва бундан

келиб чиқадиган келишмовчиликларни ҳал этиш

Келиб тушган хўжалик низоси ўз судловига тегишли бўлмаган хўжалик суди даъво материалларини беш кунлик муддат ичида тегишли хўжалик судига жўнатади.

Ушбу низо хўжалик судига тегишли эмаслиги аниқланган тақдирда, хўжалик суди даъво аризасини қайтариш асосларини кўрсатиб, ажрим чиқарган ҳолда даъво материаллини аризага қайтаради, ажримда даъво аризасининг қайтарилиши асослаб берилади.

Башарти, низони қараб чиқиш процессида даъво қиймати ошиб кетиши, даъво сабаби ўзгарishi ёки иккинчи томон ҳам қарши даъво аризасини тақдим этиши туфайли низонинг судга мансублиги ўзгарса, даъво аризасини қабул қилган хўжалик суди низони моҳияти бўйича кўриб чиқиши керак.

Вилоятларнинг хўжалик судлари ўртасида келиб чиққан низони қараб чиқиш кимга тегишли эканлигига доир келишмовчилик Олий хўжалик суди томонидан ҳал этилади.

IV БОБ. ХЎЖАЛИК НИЗОСИНИ КЎРИБ ЧИҚИШ ҚАТНАШЧИЛАРИ

17-модда. Ишда қатнашувчи шахсларнинг таркиби

Ишда қатнашувчи шахслар сифатида: томонлар, учинчи шахслар, прокурор, зиммасига юкланган мажбуриятлари туфайли процессда иштирок этаётган давлат органлари ва бошқа органлар, шунингдек ҳужжатларни ҳақиқий эмас деб топишга доир ишлар юзасидан аризачилар эътироф этилади.

18-модда. Ишда қатнашувчи шахсларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

Ишда қатнашувчи шахслар иш материаллари билан танилиш, улардан кўчирмалар олиш, нусха кўчириш, раддия билдириш, далил-асосларини тақдим этиш, далил-асосларни ўрганиб чиқишда қатнашиш, судлов процессининг қатнашчиларига саволлар бериш, илтимосномалар киритиш, хўжалик судига оғзаки ва ёзма тушунтиришлар бериш, суд процесси давомида юзага келадиган барча масалалар юзасидан ўз далил-исботларини ҳамда мулоҳазаларини билдириш, ишда қатнашаётган бошқа шахсларнинг илтимосномалари, далил-исботлари ҳамда мулоҳазаларига эътироз билдириш, хўжалик суди қарорларининг қонунийлиги ва асослигини текшириш тўғрисида ариза билан мурожаат қилиш ҳамда ўзларига ушбу Кодекс билан берилган бошқа процессуал ҳуқуқлардан фойдаланиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ишда қатнашаётган шахслар ўзлари эга бўлган барча процессуал ҳуқуқлардан виждонан фойдаланишлари шарт.

19-модда. Суд процессидаги томонлар

Ташкилотлар — мулк шаклидан қатъи назар юридик шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикаси ва бошқа давлатларнинг қонунларига асосан ўз ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини хўжалик судларида ҳимоя қилиши мумкин бўлган бошқа шахслар суд процессидаги томонлар — даъвогар ёки жавобгар бўлишлари мумкин.

Даъво қилаётган ёки манфаатларини кўзлаб даъво киритилган ташкилотлар даъвогарлар ҳисобланади. Даъво талаблари қаратилган ташкилотлар жавобгарлар ҳисобланади.

Томонлар тенг процессуал ҳуқуқлардан фойдаланадилар.

20-модда. Ишда бир неча даъвогар ёки жавобгарнинг иштирок этиши

Даъво бир неча даъвогарлар томонидан биргаликда тақдим этилиши ёки бир неча жавобгарга қаратилиши мумкин. Даъвогарлар ёки жавобгарларнинг ҳар бири ишни кўриш процессида бошқа томонга нисбатан мустақил иштирок этади. Шериклар ишни юритишни шериклардан бирига топширишлари мумкин.

21-модда. Бошқа даъвогарни ёки жавобгарни ишда қатнашишга жалб этиш

Хўжалик суди етарлича асослар мавжуд бўлган тақдирда, низо бўйича қарор қабул қилинганга қадар бирон томоннинг илтимосномасига кўра ёхуд ўз ташаббуси билан тегишли ташкилотни бошқа даъвогар ёки жавобгар сифатида ишда қатнашишга жалб этишга ҳақлидир.

Жавобгарни ишга жалб этиш тўғрисидаги илтимосномаси ушбу жавобгар билан ўзаро муносабатлар ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирлари кўрилган тақдирда қаноатлантирилиши мумкин. Жавобгарни хўжалик суди ташаббуси билан ишга жалб этиш, чора-тадбирларнинг кўрилганлигидан қатъи назар амалга оширилиши мумкин.

Даъвогарни ёки жавобгарни ишда қатнашишга жалб этиш тўғрисида ажрим чиқарилади.

22-модда. Процессуал ҳуқуқий ворислик

Низоли ҳуқуқий муносабатда ёки хўжалик судининг қарорига биноан белгиланган ҳуқуқий муносабатда қатнашаётган томонлардан бири ўзининг қайта ташкил этилиши оқибатида чиқиб

кетган тақдирда ҳўжалик суди ушбу томонни унинг ҳуқуқий вориси билан алмаштиради ҳамда бу тўғрида қарорда ёки ажримда ёзиб қўяди. Ҳуқуқий ворислик суд процессининг исталган босқичида амалга оширилиши мумкин.

23-модда. Даъво асосини ёки мавзусини ўзгартириш, даъво талабларининг миқдорини ўзгартириш, даъводан воз кечиш, даъвони эътироф этиш

Даъвогар ҳўжалик низои бўйича қарор қабул қилинганга қадар даъво асоси ва мавзусини ўзгартиришга, даъвонинг талаблар миқдорига доир қисмида ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирлари кўриш шарти билан даъво талабларининг миқдорини оширишга ҳақлидир.

Ҳўжалик суди даъво асоси ёки мавзусига доир ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш чора-тадбирлари қўрилган-кўрилмаганлигидан қатъи назар, даъвогарнинг розилигини олиб, ўз ташаббуси билан даъво асосини ёки мавзусини ўзгартиришга ҳақлидир.

Даъвогар даъводан воз кечишга ёки даъво талабларининг миқдорини камайтиришга ҳақлидир. Жавобгар даъвони тўла ёки қисман эътироф этишга ҳақлидир.

Ҳўжалик суди, башарти қонун ҳужжатларига зид келадиган бўлса, даъводан воз кечишни ёки даъвонинг эътироф этилишини қабул қилмайди.

24-модда. Томонларнинг вакиллари

Ташкилотларнинг раҳбарлари ёки уларнинг ўринбосарлари ҳўжалик судида томонларнинг вакиллари ҳисобланади. Мазкур шахсларнинг ваколатлари уларнинг хизмат мавқеини гувоҳлантирувчи ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Бошқа шахслар ҳам томонларнинг вакиллари бўлиши мумкин, уларнинг ваколатлари ташкилотларнинг тегишли тарзда расмийлаштирилган ишонч ёрлиғи билан тасдиқланади.

25-модда. Низо мавзуси юзасидан мустақил талабларни баён этаётган учинчи шахслар

Низо мавзуси юзасидан мустақил талабларни баён этаётган учинчи шахслар ҳўжалик суди қарор қабул қилгунга қадар ишга қўшилишлари мумкин. Улар томоннинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар ҳамда унинг барча мажбуриятларини зиммага оладилар.

26-модда. Низо мавзуси юзасидан мустақил талабларни баён этаётган учинчи шахслар

Низо мавзуси юзасидан мустақил талабларни баён этаётган учинчи шахслар, башарти ҳўжалик низои бўйича қабул қилинадиган қарор томонларнинг бирининг ҳуқуқлари ёхуд мажбуриятларига таъсир этиши мумкин бўлса, ҳўжалик суди қарор қабул қилгунга қадар даъвогар ёки жавобгар томонида ишга қўшилишлари мумкин. Улар томонларнинг, прокурорнинг илтимосномасига кўра ёки ҳўжалик судининг ташаббуси билан ишда қатнашишга жалб этилишлари мумкин. Мустақил талабларни баён этаётган учинчи шахслар томоннинг процессуал ҳуқуқларидан фойдаланадилар ҳамда процессуал мажбуриятларга эга бўладилар; даъво асосини ва мавзусини ўзгартиришга, даъво талабларни миқдорини оширишга ёки камайтиришга, шунингдек даъводан воз кечишга, даъвони эътироф этишга ёхуд муросага келишга, қарорнинг мажбурий тарзда ижро этилишини талаб қилишга бўлган ҳуқуқлар бундан мустаснодир.

Ҳўжалик суди бир суд процессининг ўзиде жавобгарга нисбатан дастлабки даъвони ва жавобгарнинг мустақил талаблар баён этамаган учинчи шахсга нисбатан регресс даъвосини ёхуд ана шундай учинчи шахснинг томонлардан бирига нисбатан даъвосини кўриб чиқишга ва регресс даъвоси юзасидан қарор қабул қилишга ҳақлидир.

27-модда. Суд процессида прокурорнинг иштироки

Даъво аризаси прокурор ёки унинг ўринбосари томонидан ҳўжалик судига давлат ёки ташкилот манфаатларини кўзлаб юборилган ёхуд ҳўжалик судининг қарорига протест билдирилган ҳолларда прокурор суд процессида иштирок этади. Башарти, давлат ёки ташкилотлар ҳуқуқларини ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш талаб этса, прокурор суд процессининг исталган босқичида иштирок этишга ҳақлидир.

Прокурорнинг даъводан бош тортиши, даъво талабларни миқдорини камайтириши, даъво асоси ёки мавзусини ўзгартириши даъвогарни даъво талабларини дастлабки тарзда сақлаб туриш ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

28-модда. Суд процессида бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиб чиқаётган давлат органлари ва ўзга органларнинг иштироки

Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда давлат органлари ва ўзга органлар ташкилотлар ёхуд давлатнинг ҳуқуқлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш учун даъво тақдим этишлари мумкин.

Мазкур органларнинг ўзлари киритган даъводан воз кечишлари даъво бериш билан манфаатлари ҳимоя қилинаётган шахсни ишни моҳиятан қараб чиқилишини талаб ҳуқуқидан маҳрум этмайди.

Давлат органлари ва ўзга органлар қонунда назарда тутилган ҳолларда ҳўжалик суди томонидан суд процессида иштирок этишга жалб

қилиниши ёхуд ўз зиммаларига юкланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида иш юзасидан хулоса бериш учун ўз ташаббусларига биноан суд процессига қўшилишлари мумкин.

29-модда. Низоларни кўриб чиқишда жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакиллари иштироки

Иш юзасидан томонлар ҳисобланган жамоат бирлашмалари ва ташкилотлар меҳнат жамоаларининг вакиллари ҳўжалик судида қараб чиқиладиган низо бўйича ўзларини вакил қилиб юборган бирлашмалар ҳамда жамоаларнинг фикрини баён қилиш учун низоининг ҳўжалик судида кўриб чиқилишида иштирок этишга йўл қўйилади.

Жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоаларининг вакиллари иш материаллари билан танишиш, далил-исботларни кўздан кечириш ҳамда тадқиқ этишда қатнашиш (давлат ёки тижорат сирларини қўриқлаш манфаатларига зид бўлган ҳоллар бундан мустасно), далил-исботларни тақдим этиш, низоларни қараб чиқиш давомида туғилаётган барча масалалар юзасидан ўз далил-асосларини келтириш, шунингдек иқтисодий муносабатларда қонунийлик бузилишининг сабабларини аниқлашда иштирок этиш ҳуқуқига эгадирлар, ўзларига берилган процессуал ҳуқуқлардан қонунга қатъиян мувофиқ ҳолда фойдаланишлари шарт.

Жамоат бирлашмалари ва меҳнат жамоалари вакиллари ваколатлари жамоат бирлашмаси ёки меҳнат жамоасининг сайлаб қўйиладиган органи қабул қилган қарордан кўчирма билан гувоҳлантирилади.

V БОБ. ДАЛИЛ-ИСБОТЛАР

30-модда. Далил-исботлар тушунчаси ва турлари

Ҳўжалик судининг томонлар талаблари ва эътирозларини асослайдиган ҳолатлар бор-йўқлигини қонунда белгиланган тартибда аниқлашга асос бўладиган ҳар қандай ҳақиқий маълумотлар, низоининг тўғри ҳал этилиши учун аҳамият касб этадиган бошқа ҳолатлар ишга онд далил-исботлар деб ҳисобланади.

Бу маълумотлар: ёзма ва ашёвий далиллар, томонларга вакиллик қилувчиларнинг ва иш процессида қатнашаётган бошқа шахсларнинг тушунтиришлари, шунингдек экспертларнинг хулосалари каби воситалар билан аниқланади.

31-модда. Исботлаш ва далил-исботларни тақдим этиш мажбурияти

Ҳар бир томон ўз талаблари ва эътирозларининг асоси сифатида таянаётган ҳолатларни исботлаб бериши шарт.

Далил-исботлар томонлар ва иш процессининг бошқа қатнашчилари томонидан тақдим этилади.

32-модда. Далил-исботларнинг тааллуқлилиги ва инobatга олиниши

Ҳўжалик суди иш учун аҳамият касб этадиган далил-исботларнигина қабул қилади.

Қонунга биноан исботлашнинг муайян воситалари билан тасдиқланган лозим бўлган ишга онд ҳолатлар ана шу воситалар билан тасдиқланмоғи керак.

33-модда. Исботлашдан озод қилиш асослари

Ҳўжалик суди ҳаммага маълум деб эътироф этган ҳолатлар исботланганига муҳтож эмас.

Бир ҳўжалик низоининг ҳал этиш чоғида ҳўжалик судининг қарори билан аниқланган далиллар худди шу томонлар иштирок этаётган бошқа низоларни ҳал этишда қайтадан исбот қилинмайди.

Суднинг жиноий иш юзасидан қонуний кучга кирган ҳўқим муайян ҳатти-ҳаракатлар содир этилган-этилмаганлиги ва улар нм томонидан содир этилганлигига онд масалалар бўйича низоини ҳал этаётган ҳўжалик суди учун мажбурийдир.

Суднинг фуқаролик иши юзасидан қонуний кучга кирган қарори суд томонидан аниқланган ва иш учун аҳамиятли бўлган фактларга онд масалалар бўйича низоини ҳал этаётган ҳўжалик суди учун мажбурийдир.

34-модда. Ёзма далил-исботлар

Низоини тўғри ҳал этиш учун аҳамиятли бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган далолатномалар, хатлар, бошқа ҳужжатлар ва материаллар ёзма далил-исботлар ҳисобланади.

Ёзма далил-исботларнинг асл нусхаси ёки уларнинг гувоҳлантирилган нусхаси тақдим этилади. Башарти, низоини ҳал қилиш учун ҳужжатнинг бир қисминга аҳамиятли бўлса, унинг гувоҳлантирилган кўчирмаси тақдим этилади.

Ишнинг ҳолатлари қонунларга биноан фақат ҳужжатларнинг асли билан гувоҳлантирилиши лозим бўлганда, шунингдек ҳўжалик судининг талабига кўра бошқа зарур ҳолларда ҳужжатларнинг асл нусхаси тақдим этилади.

35-модда. Ашёвий далил-исботлар

Низоининг тўғри ҳал этилиши учун аҳамиятли бўлган ҳолатларни аниқлаш воситалари бўлиб хизмат қиладиган буюмлар ашёвий далил-исботлар ҳисобланади.

36-модда. Далил-исботларни талаб қилиш олиш

Башарти томонлар тақдим этган далил-исботлар етарли бўлмаса, ҳўжалик суди ишда қатнашаётган-қатнашмаётганлигидан қатъи назар, ташкилотлардан низоини ҳал қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни, маълумотларни ва хулосаларни тақдим этишларини талаб қилишга

ҳамда бевоcита улар жойлашган ерда шундай материаллар билан танишишга ҳақлидир.

Далил-исботлар сўраб олинишини илтимос қилаётган томон, прокурор ушбу далил-исботлар воситасида иш учун аҳамиятли бўлган қайси ҳолатлар аниқланиши мумкинлигини кўрсатишлари шарт.

Ҳўжалик суди томони ташкилотларни, улар ишда қатнашаётган-қатнашмаётганликларидан қатъи назар, далил-исботлар олиш учун вакил қилиши мумкин.

37-модда. Далил-исботларни улар турган жойда кўздан кечириш ва тадқиқ этиш

Ҳўжалик суди далил-исботларни тақдим этиш қийин бўлган ҳолларда уларни турган жойида кўздан кечириш ва тадқиқ этиши мумкин.

Далил-исботларни кўздан кечириш ва тадқиқ этиш натижалари юзасидан баён тузилади. Баён судья (судьялар) ҳамда далил-исботларни кўздан кечириш ва тадқиқ этишда қатнашган томонларнинг вакиллари томонидан имзоланиб, ишга илова қилиб қўйилади.

38-модда. Ёзма ва ашёвий далил-исботларни қайтариш

Ишда мавжуд бўлган ҳужжатларнинг асл нусхалари низо ҳал этиб бўлинганидан сўнг ушбу ҳужжатларнинг гувоҳлантирилган нусхалари тақдим этилгач, ташкилотларнинг илтимосига кўра уларга қайтарилади.

Ҳўжалик суди ихтиёрида турган ашёвий далил-исботлар низо ҳал этилганидан сўнг, улар қайси ташкилотлардан олинган бўлса, ана шу ташкилотларга қайтарилади ёки ҳўжалик суди қайси ташкилотларнинг ушбу ашёларга эгалик қилиш ҳуқуқини эътироф этган бўлса, ўша ташкилотларга топширилади.

39-модда. Ташкилотлар мансabdор шахсларининг ва бошқа ходимларининг тушунтиришлари

Ҳўжалик низоининг моҳияти юзасидан тушунтиришлар бериш учун қақрилган ташкилотларнинг мансabdор шахслари ва бошқа ходимлари суд процессида иштирок этишлари мумкин. Мазкур шахслар ҳўжалик судига унинг қақирғига биноан келишлари, иш юзасидан ўзларига аён бўлган ахборот ва ҳолатларни маълум қилишлари, ҳўжалик судининг талабига кўра ёзма равишда тушунтириш хатлари тақдим этишлари, суд процессида қатнашаётган судьянинг, шахсларнинг саволларига жавоб қайтаришлари шарт.

40-модда. Экспертиза тайинлаш ва уни ўтказиш

Низоини ҳал этишда туғиладиган ва махсус билимларни талаб қиладиган масалаларни тушунтириб бериш учун ҳўжалик суди экспертиза тайинлайди. Била туриб ёлгон хулоса берган тақдирда эксперт жиноий жавобгар бўлажаги ҳақида оғоҳлантирилади.

Суд процессининг қатнашчилари ҳўжалик судига эксперт томонидан тушунтириш берилиши лозим бўлган масалаларни тақдим этишга ҳақлидирлар.

Экспертнинг хулосаси талаб қилинадиган масалаларнинг узил-кесил доирасини ҳўжалик суди ажримда белгилаб беради.

Экспертизани ўтказиш ваколатли ташкилотларга ёки бунинг учун зарур бўлими бўлган мутахассисларга бевоcита топширилиши лозим. Экспертиза ўтказиладиган шахслар иш материаллари билан танишиш ҳамда процессининг қатнашчиларидан қўшимча материалларни сўраб олиш ҳуқуқига эгадирлар. Зарур бўлган ҳолларда экспертиза томонларнинг вакиллари иштирокида ўтказилади.

41-модда. Экспертнинг хулосаси

Экспертнинг хулосаси ўтказилган тадқиқотларнинг батафсил баёнини, уларнинг натижалари бўйича чиқарилган хулосаларни ҳамда ҳўжалик суди қўйган масалаларга берилган асосли жавобларни ўз ичига олиши керак. Хулоса ҳўжалик судига ёзма равишда тақдим этилади ҳамда унинг нусхалари томонларга юборилади.

Агар экспертизани ўтказиш чоғида ҳўжалик суди ўртага қўймаган, лекин низоини тўғри ҳал этиш учун аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар аниқланса, эксперт хулосада ушбу ҳолатлар бўйича ҳам фикрларини баён этади.

Экспертнинг хулосаси етарлича аниқ ёки тўла-тўқис бўлмаган ҳолларда ҳўжалик суди қўшимча экспертиза тайинлаши мумкин.

Экспертнинг хулосасига қўшилмаган тақдирда ҳўжалик суди тақрорий экспертиза тайинлаши мумкин ва уни ўтказишни бошқа экспертга топширади.

42-модда. Далил-исботларни баҳолаш

Ҳўжалик суди барча далил-исботларни қонунга амал қилган ҳолда ишнинг барча ҳолатларини ҳар томонлама, тўла ва ҳолис тадқиқ этишга асосланган ўз ички комил ишончига кўра баҳолайди.

Ҳар қандай далил-исбот ҳам ҳўжалик суди учун олдиндан белгиланган кучга эга эмас.

Бир томон ўзининг талаблари ёки эътирозларини асослаш учун фойдаланган далилий маълумотлар ва ҳолатларни иккинчи томоннинг эътироф этиши ҳўжалик суди учун мажбурий эмас.

Экспертнинг хулосаси ҳўжалик суди томонидан мажлисда муҳокама қилинади ва иш юзасидан бошқа барча далил-исботлар билан биргаликда баҳоланади.

• Экспертнинг хулосаси ҳўжалик суди томонидан рад этилиб, бунинг сабаблари

қарорда кўрсатилиши мумкин.

VI БОБ. СУД ХАРАЖАТЛАРИ

43-модда. Суд харажатларининг таркиби

Суд харажатлари давлат божидан ва ҳўжалик суди тайинлаган экспертизани ўтказганлик учун тўланиши лозим бўлган маблағлардан, шунингдек ишни кўриб чиқиш билан боғлиқ бўлган бошқа маблағлардан иборат бўлади.

44-модда. Давлат божи

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқа ҳолларда даъво аризалари ва ҳўжалик суди қарорининг қонунийлиги ҳамда асослигини текшириш ҳақидаги аризалар учун давлат божи тўланади.

Пул маблағларини чет эл валютасида ундириш тўғрисидаги низолар бўйича давлат божи чет эл валютасида тўланиб, у Республика валюта фондига ўтказилади.

45-модда. Давлат божини тўлаш

Давлат божи Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва миқдорларда республика бюджетига тўланади ёки ундириб олинади.

Даъво талабларининг миқдори оширилган тақдирда давлат божининг етмаётган маблағи даъвонинг оширилган баҳосига мувофиқ равишда тўланади.

46-модда. Давлат божини қайтариш

Давлат божи қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда қайтариб берилиши керак.

Ҳўжалик судининг ҳал қилув қарорида, ажримда, қарорида давлат божини тўла-тўқис ёки қисман қайтариш учун асос бўладиган ҳолатлар кўрсатилади.

47-модда. Экспертиза ўтказилганлиги учун тўланадиган пул миқдорини белгилаш

Экспертиза ҳақ тўлаш эвазига ўтказилган тақдирда, унга онд сарф-харажатлар тегишли тартибда белгиланган ҳақ ставкаларини ҳамда сарфланган вақтни эътиборга олиб ҳўжалик суди томонидан қарорда белгиланади.

Экспертларга ҳўжалик судида ҳозир бўлиш учун қилинган йўл харажатлари ва уй-жойни ижарага олиш харажатлари тўланади ҳамда хизмат сафарларида юбориладиган ходимлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорларда суткалик пуллар берилади.

48-модда. Суд харажатларининг тақсимланиши

Давлат божи:

1) шартномаларни тузиш, ўзгартириш ва бекор қилиш чоғида юзага келадиган низолар бўйича — таклифлари қабул қилинмаган томон зиммасига ёхуд томонлардан ҳар бирининг таклифларидан бир қисми ҳўжалик суди томонидан рад этилган тақдирда — иккала томон зиммасига;

2) шартномаларни бажариш чоғида ёки бошқа асосларга биноан юзага келадиган низолар бўйича — қондирилган даъво талабларининг миқдорига мутаносиб равишда томонлар зиммасига юкланади.

Агар иш томоннинг нотўғри хатти-ҳаракатлари оқибатида (муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш тўғрисидаги таклифни жавобсиз қолдириш, жавобгар ўзаро муносабатларни ихтиёрий равишда тартибга солиш учун талаб қилган ҳужжатларни даъвогарга юбормаслиги ва шу кабилар) келиб чиққан бўлса, ҳўжалик суди ишнинг якунидан қатъи назар, давлат божи юзасидан харажатларни шу томоннинг зиммасига юклашга ҳақлидир.

Даъвогар давлат божи тўлашдан белгиланган тартибда озод қилинган бўлса, бу давлат божи қондирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда жавобгардан, башарти у божни тўлашдан озод қилинмаган бўлса, бюджет фондига ундириб олинади.

Қарор қайси томоннинг фойдасига чиқарилган бўлса, ҳўжалик суди шу томоннинг давлат божига онд харажатларини иккинчи томон ҳисобидан қоллайди, гарчи у бож тўлашдан озод қилинган бўлса ҳам.

Экспертиза ўтказилганлиги учун тўланиши лозим бўлган пуллар: даъво қондирилган тақдирда — жавобгар зиммасига; даъво рад этилган тақдирда — даъвогар зиммасига; даъво қисман қондирилган тақдирда — қондирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда ҳар иккала томон зиммасига юкланади.

Агар томонлар ўртасидаги келишувда суд харажатларининг тақсимои назарда тутилган бўлса, ҳўжалик суди ушбу келишувга мувофиқ қарор қабул қилади.

VII БОБ. ПРОЦЕССУАЛ МУДДАТЛАР

49-модда. Процессуал муддатларни белгилаш ва ҳисоблаш

Процессуал ҳаракатлар қонунда белгиланган муддатларда бажарилади. Қонунда процессуал муддатлар белгилаб қўйилмаган ҳолларда улар ҳўжалик суди томонидан тайинланади.

Процессуал ҳаракатларни бажариш муддатлари аниқ календарь кун билан, муқаррар тарзда келадиган воқеани кўрсатган ҳолда ёки вақтнинг муайян даври билан белгиланади. Сўнгги ҳолда ҳаракат бутун давр мобайнида бажарилиши мумкин.

Йиллар, ойлар ёки кунлар билан ҳисобланадиган процессуал муддат унинг бошланиши белгилаб қўйилган календарь кундан ёки воқеа рўй берганидан кейинги кундан бошланади.

(Давоми келгуси сонда)

ДУШАНБА

20 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун.
"Санъат гунчалари". 18.35
"Фармон ва ижро". 18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус
тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25
"Навоий гулшани". Адабий
кўрсатув. 20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар. 20.30
"Ўзбекистон" ахбороти. 21.00
"Ҳамма билиши керак". 21.25
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
артист Муродилла Соҳибов
куйлайди. 21.55 "Ойнинг ўн
беши...". Бадий-публицистик
кўрсатув. 22.50 "Тоғнинг гули
ўзгача". Телефильм. 22.10 Эртанги
кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти
(рус тилида). 19.20 "Ўтмишсиз
кечажак йўқ". 20.00 "Бизнинг
сухбат". 20.40 "Билиб қўйган
яхши". 21.00 "Ассалому алайкум"
(такрор).

ТЕЛЕТОМОШАБИНЛАР
ДИҚҚАТИГА!

Профилактика муносабати
билан душанба, 20 декабрь куни
"Орбита IV" кўрсатувлари 15.00
дан бошлаб намоиш этилади.

"ОРБИТА IV"

15.00 Янгилар (сурдо
таржимаси билан). 15.20, 18.20,
21.20, 01.10 — Кўрсатувлар
тартиби. 15.25 "Телемекст". 16.10
Мультифильм. 16.20 Молдовада рус
маданияти кунлари. 16.50 Болалар
телевидениеси уюшмаси. 17.20
"Икболи кулганда". 18.00 Янгилар
(сурдо таржимаси билан). 18.25
"Келажакка умид билан". 18.40
"Хужжатлар ва тақдирлар". 18.45
"Хафтаннинг акс садо". 19.20
"Театр + TV". 20.10 "Турмуш
икир-чирлари". Бадий
телесериал премьераси. 28-серия.
20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар!
21.00 Янгилар. 21.25 Волейбол.
Россия чемпионати. Эркалар.
"Искра". (Одинцово). —
"Автомобилист". (Санкт-
Петербург). 22.05 "Биз". Владимир
Познернинг муаллифлик
кўрсатуви. 22.55 Футбол бўйича
жаҳон чемпионатида қўрға ташлаш.
АҚШдан кўрсатилади. 00.30 Янгилар.

"Янги студия" таништилади.
01.10 "Мен". 01.15 "ТВ-
галерея". 01.40 "Ҳаммом". Ю.
Шевчук фильмидан парча.

01.50 "Хоккей". "Известия"
газетаси соврини учун халқаро
турнир. Финландия — Россия-1
терма командалари. 3-давр. "Луж-
ники". Спорт саройидан
кўрсатилади. 02.30 "Спорт уик-эн-
ди".

ДУБЛЬ IV

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар
даври. 9.00 Россияда бизнес. 9.30
Тонги концерт. 9.45 Мутлақо
махфий. 10.40 Волейбол бўйича
Россия чемпионати. Автомобилист
(Санкт-Петербург) — "Самолор"
(Нижегород). 11.40 "Пил-
лигрим". Россия саёҳатлар бюроси.
12.25 Мульти-пульти. 12.30 Кун-
дузи сеанс. "Қирол Лир". Бадий
фильм. 1-серия. 13.40
"Дехқонларга тааллуқли масала".
14.05 "Қирол Лир". Бадий фильм.
2-серия. 15.10 Театр сафарига.
Николай Симинов хотирасига
бағишланган кеча. 15.55 "Бола тили-
дан". 16.25 Болалар учун янгилар.
16.40 "Қутқариш хизмати
911". 17.35 Сергей Юрский.
Концерт-импровизация.

18.00 — 19.20

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.20 Душанба куни детектив.
"Чекка уйдаги қотиллик". Бадий
фильм. "Эркулъ Пуаро"
сериалидан. 20.25 "Мен —
йўлбошчиман". 20.45
"Видеосериал". В. Федоров. 21.00
"Хўжайин". 21.45 "М-гест".

22.00 Туркия телевидениеси.
Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан

ЗАНГОРИ
ЭКРАНДА

сухбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 Мусиқа йирик планда.
"Дилкаш сухбат...". 23.30 "Хроно".
Авто ва мото спорт оламида. 24.00
Фольклор. "Қиш эртаги".

СЕШАНБА

21 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 — 9.00 "Ассалом,
Ўзбекистон!". Тонги дам олиш
кўрсатуви.

9.00 "Катта трамплин". Бадий
фильм. 10.15 "Ток новдаси".
Телефильм. 10.30 Ўқув кўрсатуви.
Ўзбекистон халқлари тарихи. 11.00
"Букри тойчоқ". Республика
қўғирчоқ театрининг спектакли.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Ёшлик" студияси. "Қарс ик-
ки қўлдан...". 18.45 "Турфаранг
гўзаллик". Телефильм. 18.55
Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон"
ахбороти (рус тилида). 19.20
Ёшлар. 19.25 Ўзбекистон Давлат
телерадиокомпанияси эстрада-
симфоник оркестрининг концерти.
20.00 Дунё воқеалари. 20.10 Оқшом
эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30
"Ўзбекистон" ахбороти. 21.00
Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10
"Мерос". Мунис. 21.55 "Белорус
вокзали". Бадий фильм. 23.30
Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти
(рус тилида). 19.20 "Уолт Дисней
таништилади...". Мультифильмлар
тўплами. 20.10 "Халқ саломатлиги
йўлида". 20.50 "Суперспорт".

"ОМАД" таништилади:
21.35 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 21.20, 00.35 —
Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар.
6.35 Ёшлар гимнастика. 6.45
"Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20
"Домисолька". 9.40 "Турмуш ик-
кир-чирлари". Бадий телесериал
премьераси. 28-серия. 10.10 "Нима?
Қаерда? Қачон?" 11.15 "Голь".
11.50 "Матбуот-экспресс". 12.00
Янгилар. 12.20 "Эдемга қайтиш".
Кўп серияли телевизион бадий
фильм. 17-серия. 13.10
Оперетта — жону танам. 14.35
Кўнгр айиқ ҳақида. Телефильм.
15.00 Янгилар. (сурдо
таржимаси билан). 15.25 "Иш".
15.35 "440 герц". 16.15
"Технодром". 16.25 "Межозерье".
Телефильм. 16.55 Нина
Анашвили таклиф этади. 18.00
Янгилар (сурдо таржимаси билан).
18.20 Хоккей. "Известия"
газетаси соврини учун халқаро
турнир 3-ўрин учун матч. 3-давр.
"Лужники". Спорт саройидан олиб
кўрсатилади. 19.00 "Хужжатлар ва
тақдирлар". 19.05 "Бир умр рақс
тушиб". Татьяна Устинова. 19.45
Мультифильм. 19.55 "Мавзу". 20.40
Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00
Янгилар. 21.25 "Садовое
кольцолаги саройда". 22.00 Хоккей.
"Известия" газетаси соврини учун
халқаро турнир. Финал. "Лужни-
ки". Спорт саройидан кўрсатилади.
24.00 Янгилар. 00.40
"Мосфильмнинг 70 йиллигига".
"Сибирь ҳақида қисса". Бадий
фильм. (1947 й.). 02.45 "Матбуот-
экспресс".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар
даври. 9.00 Мусиқа йирик планда.
"Дилкаш сухбат...".
12.00 Хонаки экран. "Қора
роҳиб". Бадий фильм. 13.25
Ишдан бўш пайтигизда. "ТВ-
ателье". 13.40 "Дехқонларга
тааллуқли масала". 14.05
"Известия" газетаси соврини учун
хоккей бўйича халқаро турнир.
Россия — Швеция. "Лужники"
стадионидан кўрсатилади. 16.05

"Видеосериал". Р. Бухараев.
16.20 Болалар учун янгилар.
16.35 "Рост" студияси. "Кимнинг
томони?". 17.05 "Трансросэфир".

18.00 — 19.40

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.40 Хонаки экран. "Санта-
Барбара". Кўп серияли бадий
фильм премьераси. 257-серия.
20.30 "Миллий сиёсат хроникаси".
20.45 "Мансаб алифбоси". 21.00
"Асил ҳолича".

22.00 Туркия телевидениеси.
Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан
сухбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 "Сиёсат майдонида". 23.25
"Овросиё-ТВ" таништилади:
"Феликс Круллинг иккори".
Бадий фильм. 5-серия. 00.30
"Криминал хабарлар экрани. 00.40
"Миккелида мусиқий фестивал".

ЧОРШАНБА

22 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 — 9.00 "Ассалом,
Ўзбекистон!". Тонги дам олиш
кўрсатуви.

9.00 Республика газеталарининг
шарҳи. 9.10 "Латиф Файзиев".
Телефильм. 9.50 "Алифбо
сабоқлари". 10.20 "Уорлднет
телекомпаниясининг янгилари
(АҚШ)". 10.35 "Ёшлик студияси".
"Тежамкорлик сирлари".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Нур таратувчилар". 18.35
"Илҳом дақиқалари". 18.55
Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон"
ахбороти (рус тилида). 19.20
Ёшлар. 19.25 "Ўзбекистон —
хорижлик дўстларимиз нигоҳида".
19.40 "Матбуотимиз дарғаси".
"Ўзбекистон овози" газетасининг
75 йиллигига. 20.10 Оқшом
эртаклари. 20.25 Ёшлар. 20.30
"Ўзбекистон" ахбороти. 21.00
Ўзбекистон халқ ҳофизси Орифхон
Ҳотамов концерти. 22.00
"Шаҳарликлар". Бадий фильм.
23.20 Эртанги кўрсатувлар
тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти
(рус тилида). 19.20 "Билим
сарғашмалари". 19.50 "Спринт".
20.15 "Кинотриада". 21.25 "02"
тўлиқинида. 21.45 "Беринг ва унинг
дўстлари ҳақида баллада". Бадий
фильм.

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 18.20, 21.30, 00.35 —
Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар.
6.35 Ёшлар гимнастика. 6.45
"Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20
"Ҳакка". Болалар ахборот
кўрсатуви. 9.40 Халқ оҳанглари.
9.50 "Оддий Мария". Кўп серияли
телевизион бадий фильм
премьераси. 10.40 "Инсон ва
қонун". 11.10 "Бир умр рақс
тушиб". Татьяна Устинова. 11.50
"Матбуот-экспресс". 12.00 Янгилар.
12.20 "Эдемга қайтиш".
Кўп серияли телевизион бадий
фильм. 18-серия. 13.10 "Сиз учун
учрашув". А. Солженицин.

15.00 Янгилар (сурдо
таржимаси билан). 15.25
"Телемекст". 16.10 "Ён дафтар".
16.15 "Тедди Ракспиннинг
саргузаштлари". Кўп серияли мульт-
фильм премьераси. 16.40 Халқ
куйларидан концерт. 17.00 Қизлар
ўртасидаги сир. 17.20 Парвоздаги
уй. Кўп серияли мультифильм
премьераси. 25-серия. 17.50
"Технодром". 18.00 Янгилар
(сурдо таржимаси билан). 18.25
Эфирда — Давлатлараро "Мир"
телерадиокомпанияси. 18.50
"Хужжатлар ва тақдирлар". 19.00

"Оддий Мария". Кўп серияли
телевизион бадий фильм
премьераси. 19.50 "Миниатюра".
20.00 "Кремль деворлари ортида".
20.40 "Хайрли тун, кичкинтойлар!"
21.00 Янгилар. 21.25 "Ҳеч нарса
ҳақида репортаж". 21.45
"Виктория". Аскар қўшиқлари
фестивали. 23.00 "Матбуот-
экспресс". 23.10 "Унутмасинлар
деб...". Л. Филатовнинг муаллифлик
кўрсатуви. 2-боб — "Леонид
Харитонов". 24.00 Янгилар.
00.40 "Кино талаб қилинади". 01.10
"MTV".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар
даври. 9.00 "Сиёсат майдонида".
9.55 "Параллеллар". 10.10 "Сиз
яратган боб". 10.40 "Асил ҳолича".
11.35 "Оғзаки мулоҳазалар". О.
Басилашвили. 12.05 Мульти-пульти.
12.15 Хонаки экран. "Санта-
Барбара". Кўп серияли бадий
фильм. 257-серия. 13.05
"Лўлиларга хайрихоҳ инсон". 13.50
Дехқонларга тааллуқли масала".
14.15 "Биз севган ва унутмаган
инсонлар ҳақида". Е. Гоголева.
15.15 "Сигнал". 15.30
"Трансросэфир". 16.15 Телегазета.
16.20 Мульти-пульти. 16.30
Болалар учун янгилар. 16.45
"Рост" студияси. "Якунлар".
"Биринчи тайм". 17.15 "L-клуб".

18.00 — 20.25

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

20.25 Хонаки экран. "Санта-
Барбара". Кўп серияли бадий
фильм премьераси. 258-серия.
21.15 "Сизнинг ҳуқуқингиз". 21.30
Рус ижозатномаси. "Давлат
хавфсизлиги ҳақида иш".

22.00 Туркия телевидениеси.
Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан
сухбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви.
22.30 "Кўздан ғойиб бўлаётган
манзара". Лев Аннинский
кўрсатуви. 23.30 "Фотомодель-93".

ПАЙШАНБА

23 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 — 9.00 "Ассалом,
Ўзбекистон!". Тонги дам олиш
кўрсатуви.

9.00 "Чегарада отилган ўқ".
Бадий фильм. 10.10
"Тараққиётимиз таянчи". 10.30
"Уорлднет" телекомпаниясининг
янгиликлари (АҚШ). 10.45 Ҳиндий
тили. 11.15 "Ёшлик" студияси.
"Сенинг замондошинг".

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Усмир ва қонун". 18.40 "Қуй
ва соз соҳиб". Телефильм. 18.55
Ёшлар. 19.00 "Ўзбекистон"
ахбороти (рус тилида). 19.20
Ёшлар. 19.25 "Иқтисод
сабоқлари". 19.40 "Хотира".
Ўзбекистон халқ артисти Назира
Аҳмедова. 20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар. 20.30
"Ўзбекистон" ахбороти. 21.00
Долзарб мавзу. 21.10 "Театр
оламида". 22.00 "Дилдаги гаплар".
Мурод Ражабов. 23.00 "Юксак
мақсадни кўзлаб". Спорт
кўрсатуви. 23.30 Эртанги
кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти
(рус тилида). 19.20 Болалар учун.
"Табассум". 20.00 "Пульс".
Хабарлар. 20.15 "Шахс ва илҳом".
20.25 "Пульс". Хабарлар.
"ОМАД" таништилади:
21.40 Ёшлар. "Кинонигоҳ".

"ОРБИТА IV"

5.55, 15.20, 21.20, —
Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгилар.
6.35 Ёшлар гимнастика. 6.45
"Тонг". 9.00 Янгилар. 9.20
Мультифильм. 9.30 "Оддий Мария".
Кўп серияли телевизион бадий
фильм премьераси. 10.25 "Ҳайвонот
оламида" (сурдо таржимаси билан).
11.05 "... 16 ёшгача ва
ундан катталар". 11.50 "Матбуот-
экспресс". 12.00 Янгилар. 12.20
Бурятия оҳанглари ва тароналари.
12.50 "Эдемга қайтиш". Кўп
серияли телевизион бадий фильм.
19-серия.

15.00 Янгилар (сурдо
таржимаси билан). 15.25
"Телемекст". 16.10 "Ён дафтар".
16.15 "Тедди Ракспиннинг
саргузаштлари". Кўп серияли мульт-
фильм премьераси. 16.40 Эстрада
концерти. 16.55 "Сиз бунга
қодирсиз". 17.40 "... 16 ёшгача ва
ундан катталар". Танафус
пайтида (18.00) — Янгилар
(сурдо таржимаси билан). 18.55
"Оддий Мария". Кўп серияли
телевизион бадий фильм
премьераси. 19.45
"Кинопанорама". 20.40 Хайрли
тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгилар.
21.25 "Твин Пикс". Кўп
серияли телевизион бадий фильм
премьераси. 15-серия. 22.25
"Томошалар империяси". 23.20
"Матбуот-экспресс". 23.30
Волейбол. Россия чемпионати.
Эркалар. "Искра" (Одинцово) —
"Левша" (Тула). 24.00 Янгилар.
00.40 "Известия" газетаси
соврини учун хоккей бўйича
халқаро турнир кундалиги. 00.55
"Ўз-ўзинга мадад бер". 01.25 "Бу
ҳаммаси джаз".

"ДУБЛЬ IV"

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

8.30 Ишбилармон кишилар
даври. 9.00 "Кетдик". 9.10 Тонги
концерт. 9.25 "Шаҳарча". Дам
олиш кўрсатуви. 9.50 "К-2"
таништилади: "САС". 10.45
"Кўздан ғойиб бўлаётган манзара".
Лев Аннинский кўрсатуви. 11.40
Мульти-пульти. 11.50 Хонаки
экран. "Санта-Барбара". Кўп
серияли бадий фильм. 258-
серия. 12.40 Волейбол бўйича
Россия чемпионати. "Самолор" —
"Искра". 13.25 "Дехқонларга
тааллуқли масала". 13.45
"Мусиқий синнов". 14.45 "Асаблар
ва оркестр учун концерт". 15.10
"Телегазета". 15.15 "Қутқариш
хизмати 911". 16.10 Мульти-пульти.
16.20 Болалар учун янгилар.
16.35 "Рост" студияси. "Рождество
мультипрограммаси". 17.05
"Трансросэфир".

18.00—19.55

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

19.55 Хонаки экран. "Санта-
Барбара". Кўп серияли бадий
фильм премьераси. 259-серия.
20.45 "Москвагача олис". 21.15
"Ностальжи" — барча авлодлар
мусиқаси. 21.45 "Европа
ҳамжамиятига маслаҳат учун".

22.00 Туркия телевидениеси.
Хабарлар.

22.20 "Юлдузлар билан
сухбатда". 22.25 Спорт кўрсатуви.
22.35 Ватаним менинг. "Бўйсунмас
купина". 23.35 Криминал хабарлар
экрани. 23.45 "Услуб". 00.20
"Миккелида мусиқий фестивал".

ЖУМА

24 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 — 9.00 "Ассалом,
Ўзбекистон!". Тонги дам олиш
кўрсатуви.

9.00 "Сиз ҳам осмонни кўрасиз".
Бадий фильм. 10.05 Хитой тили.
10.35 "Уорлднет
телекомпаниясининг янгилари
(АҚШ)". 10.50 "Бола бошидан...".
Мактабгача тарбия масалалари.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Футбол майдонларида".
18.30 "Солиқ инспекцияси
фаолиятдан". 18.55 Ёшлар.
19.00 "Ўзбекистон" ахбороти (рус
тилида). 19.20 Ёшлар. 19.25
"Менинг маҳаллам". 20.00 Дунё
воқеалари. 20.10 Оқшом эртаклари.
20.25 Ёшлар. 20.30
"Ўзбекистон" ахбороти. 21.00
Ислохот ҳақида суҳбатлар. 21.10
"Қўзлар қароси сўзласин". 21.40
"Кино усталари". Ўзбекистон халқ
артисти Ўлмас Алихўжаев. 22.40
"Афсоналар ўлкасида".
Телефильм. 23.00 Эртанги
кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

19.00 "Ўзбекистон" ахбороти
(рус тилида). 19.20 "Йўлингиз
беҳатар бўлсин!". 19.50 "Афсона
— Ибн Сино ватани". Телефильм.
20.00 "Ўзбекистон спорти" (рус ти-

лида). 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Йўқолган гувоҳ». Бадий фильм.

«ОРБИТА IV»

5.55, 15.20, 21.00, 00.35 — Кўрсатувлар тартиби. 6.00 Янгиликлар. 6.35 Эрталабки гимнастика. 6.45 «Тонг». 9.00 Янгиликлар. 9.20 «Тингланг, томоша қилинг...». 9.40 Болалар учун фильм. «Мишка, кичкинтой ва бошқалар». 10.30 «Олеся ва компания». 11.00 «Саёхатчилар клуби» (сурдо таржимаси билан). 11.50 «Матбуот-экспресс». 12.00 Янгиликлар. 12.25 «Америка М. Таратута билан». 12.55 «Мосфильм»нинг 70 йиллигига. «Сибирь ҳақида қисса». Бадий фильм (1947 й.).

15.00 Янгиликлар. 15.25 «Бридж». 15.50 «Бизнес-класс». 16.05 «Ён дафтар». 16.10 «Компас-эрта». 17.00 «Олеся ва компания». 17.30 «Музограф». 17.50 «Мулкдор алифбоси». 18.00 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 18.20 «Парда ортида». 18.40 «Инсон ва қонун». 19.15 «Америка М. Таратута билан». 19.45 «Муъжизалар майдони». 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Ҳафтанинг машҳур киши». 21.45 «Твин Пикс». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 16-серия. 22.45 «Матбуот-экспресс». 23.00 «Музобоз». 23.45 «Х» кўрсатуви. 24.00 Янгиликлар. 00.40 «Сийсий бюро». 01.20 «Авто-шоу». 01.50 «Обоз» майдончаси.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.30 Ишбилармон кишилар даври. 9.00 «Кетдик». 9.10 Италияда Рождество концерти. 9.55 Ватаним менинг. «Бўйсунмас купина». 10.50 «Параллеллар». 11.05 «Оқ қарга». 11.50 «Юлдузлар туғилган жойда». 12.50 Хонаки экран. «Санта-Барбара». Кўп серияли бадий телефильм. 259-серия. 13.40 «Дехқонларга тааллуқли масала». 14.05 Россия телевизион театри. В.Шефнер. «Омадиз бахтли инсон». 14.50 «Ностальжи» — барча авлодлар мусикаси. 15.20 «Сайёрадош қўшнилари». 15.50 Жума кунлари Дисней. «Рождествога она». Бадий фильм. 1-серия. 16.40 Болалар учун янгиликлар. 16.55 Мульти-пульти. 17.15 «Телегазета». 17.20 «Қайтиш». 17.40 «Ногиронларнинг Бутуроссия рўйхати».

18.00—20.15

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.15 Телеэкранда — премьер. «Рождествони уйда кутиб олиш». Бадий фильм.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 «Мен — йўлбошчиман». 22.55 «К-2» таништириди: «Абзац». 23.50 «Мастер-класс». М.Ростропович. 00.35 Волейбол бўйича Россия чемпионати. «Самотлор» (Нижегород). — «Белогорье» (Белгород). 01.10 «Кечки салон».

ШАНБА

25 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

6.30 — 9.00 «Ассалом, Ўзбекистон!». Тонгги дам олиш кўрсатуви.

9.00 Республика газеталарининг шарҳи. 9.10 Немис тили. 9.40 «Егорка». Бадий фильм. 10.45 «Қудратимиз — дўстликда». 11.05 Усмидлар учун. «Уғил — умид юлдузи». 11.35 «Ёшлик» студияси. «Фахрийлар — фахримиз». 11.55 «Ўзингни эр билсанг...». 12.35 «Билетлар сотилган». «Шум бола» спектакли ҳақида. 13.15 «Ойла».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 «Кичкинтой» студияси. «Гунча». 18.30 «Сихат-саломатлик». 19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Ботма, куёш!». Публицистик кўрсатув. 20.15 Оқшом эртаклари. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00

«Агар» севсанг...». Шомаҳмуд Шораҳмедов қўшиқлари. 21.40 «Тунги ёғду». Дам олиш кинопрограммаси.

ЎЗТВ II

19.00 «Ўзбекистон» ахбороти (рус тилида). 19.20 «Муъжизалар оламида». 20.00 Телефильм. 20.30 «Ўзбекистон» ахбороти. 21.00 «Шаҳар таронаси». Бадий фильм.

«ОРБИТА IV»

6.45, 15.20, 21.20 — Кўрсатувлар тартиби. 6.50 Эрталабки гимнастика. 7.00 «Матбуот-экспресс». 7.10 «Ишбилармон кишининг шанба тонги». 7.55 Янгиликлар. 8.30 «Моторлар оламида». 9.00 «Марафон-15» кичкинтойларга. 9.30 Эфирда — Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси. 10.55 «Авиакосмик салон». 11.10 «Муслиқий дўкон». 11.40 «Санъат қасри». 12.25 «Лаззат». 12.40 «Севги тарихи». 13.20 Ёдимизда қолган фильмлар. «Ўн иккинчи кеча» («Ленфильм, 1955 й.). 15.00 Янгиликлар. 15.25 «Мулкдор алифбоси». 15.35 «Пеппи — Узун пайпоқ». Кўп серияли телевизион бадий фильм премьераси. 15-серия. 16.05 «Пул ва сиёсат». Халқаро муносабатлар иқтисодиёт кўзгусида. 16.35 «Ультра-си». Спорт кўрсатуви. 17.15 «Қизил квадрат». 17.55 «Қойилмақом еттовлон». 18.50 «Коламбия пикчерс» таништириди. «Ярим тундан сўнг янада яққолроқ бўлди». Бадий фильм премьераси. 20.40 Хайрли тун, кичкинтойлар! 21.00 Янгиликлар. 21.25 «Хазановга, истаб олиши учун...». 22.45 «Резонанс» студияси таништириди. 23.05 «Матбуот-экспресс». 23.20 «Ярим тунгача ва ярим тундан сўнг». Танаффус пайтида (24.00) — Янгиликлар.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 «730-формула». 8.55 Кинонинг 100 йиллигига бағишланган кўрсатув таништирилади. 9.10 Д.Вертов. Киноаппаратли киши. Хужжатли фильм. 10.15 Ю.Норштейн. «Эртакларнинг эртаги». Мультифильм. 10.45 «Мульти-пульти. 11.00 А.Тарковский. «Иваннинг болалиги». Бадий фильм. 12.45 Тарих саҳифалари. «Крест кўтарганлар» (А.Форт). Бадий фильм (Польша). 1-ва 2-сериялар.

15.45—18.20

«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
15.45 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар». 15.55 «Безнен мирас» (татар тилида). 16.30 «Истеъдод». Авиасозлар саройидан кўрсатув. 17.20 «Замандас» (қозоқ тилида). 18.10 «Бу ажиб дунё».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.20 «Касби — продюсер». «Аргос-фильм» президенти А.Доман. 18.30 «Аргос-фильм» таништириди: «Джоконда» (А.Грюэль) ва «Париж-техас» (В.Вендерс). Бадий фильм. 1-ва 2-сериялар. 21.10 Кино ҳақида кино. «Фильм, фильм, фильм». (Ф.Хитрук). Мультифильм. 21.30 «Маски-шоу».

22.00 — 23.45

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
23.45 Мемориал. «Оқ пайх» (Ф.Феллини). Бадий фильм. 01.40 Стас Намин маркази (Эс-Эн-Си) таништириди: «Сариқ сувости кемаси» клуби.

ЯКШАНБА

26 ДЕКАБРЬ

ЎЗТВ I

7.00 «Ассалому алайкум».

8.00 «Ўзбекистон» ахбороти. 8.30 «Махобҳорат». Кўп қисмли телевизион бадий видеофильм (Ҳиндистон). 46-47-сериялар. 10.00 «Насриддин тақлиф этади». 10.40 «Бунёдкор». 11.05 Инглиз тили. 11.35 «Қувноқ стартлар». 12.10 «Фан фидойиси». Академик Обид Содиқов. 12.50 «Ёшлик» студияси. «Даврата кел, дуганон!».

17.55 Кўрсатувлар тартиби. 18.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшигим, жон қўшигим». 18.40 Шифокор маслаҳати. 19.00 «Ҳафтаном» (рус тилида). 19.30 «Ойнаи жаҳонда». 19.50 «Мультианнотация». 20.30 «Ҳафтаном». 21.10 «Тановар» кечаси. 22.25 «Ижод саҳифалари». Раҳмат Файзий таваллудининг 75 йиллигига. 23.25 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

ЎЗТВ II

«ОМАД» таништириди: 17.00 «Мультифейерверк». 17.45 «Курьер». 18.00 «Муслиқий йўлка». Муслиқий кўрсатув. 18.20 «Ҳар соҳадан бир шингил». 18.30 Болалар учун. «Совға». 18.55 «4/8». Муслиқий кўрсатув. 19.15 «Даракчи». 19.25 Ёллонлар. 19.30 «Видео-О». 21.30 «Курьер». 21.45 «Юлдузлар жилоси». 22.05 «Даракчи». 22.15 Ёллонлар. 22.20 «Видео-О».

«ОРБИТА IV»

7.55, 15.15, 22.45, 00.15 — Кўрсатувлар тартиби. 8.00 «Рухни чиниқтириш». 9.00 «Паузасиз». 9.30 «Эрта саҳарлаб». 10.00 «Ҳамма уйдалигида». 10.30 «Спортлото». 10.45 «Ақли болалар ва ақли қизлар». 11.25 «Полигон». 11.55 «Янги авлод... кўзгу». 12.35 «Пи белгиси билан». 13.25 «Провинция».

«КТВ-1» ҳамда «Франс интернациональ» канали таништириди: 14.00 «Пиф ва Геркулес». Кўп серияли мультифильм премьераси. 14.10 «Кусто командасининг сувости одиссеяси». Кўп серияли ҳужжатли фильм премьераси.

15.00 Янгиликлар. 15.20 Эфирда Давлатлараро «Мир» телерадиокомпанияси. 16.00 Композитор Е.Дога. 16.20 «Саёхатчилар клуби». 17.10 «Хунарли хор бўлмади». 17.15 Мультифильмлар премьераси: «Каспер ва унинг дўстлари», «Ҳақиқий ажина оловчилар». 18.05 «Панорама». Ҳафталик халқаро кўрсатув. 18.45 Янгиликлар (сурдо таржимаси билан). 19.00 Маринскда променад. 19.50 «Бу фантастик даҳшатлар». 20.35 «Нима? Қарда? Қачон?». 22.00 «Якшанба». Ахборот-публицистик кўрсатув. 22.50 «Эндиликда». Диний кўрсатув. 23.50 Катталар учун мультифильм. 24.00 Янгиликлар. 00.20 «Останкино» хит-паради.

«ДУБЛЬ IV»

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
8.25 «Ярмарка». Хужжатли фильм. 8.55 «Хайрли тонг!». 9.25 «Элчилар қабулхонаси». 9.55 «Рост» студияси. «Кикбоксинг». «Соник-супержик». 10.25 «Агар сиз...». 10.55 «Ати-бати...». 11.25 Кипрас Мажейка. «Кичик Европа»дан репортажлар. 11.55 Юбиляр фильм жавонидан. Ю.Райзманиннинг «Машенька» бадий фильми. 13.15 Эфирда — «Кинотавр».

13.30—16.25

«ЎЗБЕКИСТОН» ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛИ
14.05 «Жаҳон бир ҳафта ичида». 14.30 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти. 15.15 «Янги йилда ҳовли тўйлари». 16.05 «Бу ажиб дунё».

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
16.25 «Хусусий коллекция». 17.10 Диснейнинг сеҳрли олами. «Диснейнинг Рождество совгаси». Мультифильм.

18.00—20.15

ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ

РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.15 Эй-Би-Си яқшанба оқшоми. «Миллер ва Мюллер». Бадий фильм.

22.00 Туркия телевидениеси. Хабарлар.

22.20 «Юлдузлар билан суҳбатда». 22.25 Спорт кўрсатуви. 22.30 «Джентльмен-шоу». 23.10 Катталар учун мультифильм. 23.25 Юлдузлар ёйилганда. («Тошкентдан тапирмиш ва кўрсатилган» дастуридан олинган).

"АС-САҲИҲ" ВА УНИНГ МУАЛЛИФИ

Журналист Дилмурод Саййид (Саидов) номи «Постда» муштарийларига таниш. У ўзининг турли мавзулардаги мақолалари, суҳбатлари, шеърлари ва форс-тожик мумтоз адабиётидан қилган таржималари билан газетамиз саҳифаларида қатнашиб келади. Олий маълумотли филлолог бўлиш билан бирга форс тили бўйича мутахассисликка ҳам эга. Кейинги вақтда унинг масъуллигида «Тошкент — янги номлар» маълумотнома китоби ҳамда у тожик тилидан ўзбекчага ўгирган «Жаноби Расулulloҳ васиялари» рисоласи нашр этилди.

Қуйида Д. Саййиднинг муҳарририятимиз топшириғи билан тайёрлаган, улуғ муҳаддис ватандошимиз имом Исмоил ал-Бухорий ҳақидаги «Ас-саҳиҳ» ва унинг муаллифи номли мақоласи билан танишасиз.

ИСЛОМ динининг асосий дастуруламали Қуръони Каримдан сўнг жаноби Расули Акрам саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзлаган ҳикматли гаплари — ҳадислар муҳаддас ҳисобланади. Ҳадислар пайғамбаримиз тирик чоғларида тўплам ҳолига келтирилмаган. Фақатгина ўткир ҳофизалик кишилар томонидан ёд олиб борилган, ҳолос. Ҳадисларни тўплаб, китоб шаклига келтириш Умавия халифаларидан Умар ибн Абдулазиз (99-101 х.с.; 717-720 й.й.) давридан бошланган.

Ҳижрий сананинг III асри бошларида имом Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий ва имом Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайра ан-Найсабурий ўзларининг «ал-Жомеъ ас-саҳиҳ» китобларини ёзиб, ҳадисларни биринчи марта боб ва жузъларга ажратдилар.

Муҳаддислар улуғи бўлмиш Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ал-Муғира ал-Бухорий ал-Жуъфий ҳижрий 194 йили (мелодий 809 йил 13 май кун) Бухорода таваллуд тогган. Ҳали балоғат ёшига етмаёқ Қуръонни ёд билиши ва ўткир қироати билан танилган. Ҳижрий 210 йилда онаси ва акаси билан ҳам сафарига чиқади. Тўрт йил Маккаи мукаррамада истикомат қилиб, араб тилини мукаммал эгаллаш билан бирга Қуръон тафсири, ислом қонунишунослиги (илми фикҳ) ва ҳадис илминини чуқур ўрганади.

У кўплаб ўлкаларни кезиб, олти юз минг ҳадис тўплаб, шунинг 100 мингини саҳиҳ, яъни ишончли, 200 мингини эса ҳасан (яхши), заиф ва ғайри саҳиҳ (ишончсиз) ҳисоблаган. Ва жъми 300 минг ҳадисни ёд билган. (Имом Исмоил Бухорийнинг «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китоби «Ишончли тўплам» деган маънони билдиради).

Аллома муҳаддисининг устози Имом Аҳмад ибн Ханбал ал-Марвазийнинг у ҳақдаги таърифи жуда эътиборлидир.

«Бутун Хуросондан Муҳаммад ибн Исмоил каби олим чиққан эмас».

Умрини исломшуносликка бахш этган бу улуғ аллома ҳижрий 256 йили ҳозирги Самарқанд вилояти ҳудудидидаги Ҳаратан қишлоғида вафот этган. Ундан «Ал-жомеъ ас-саҳиҳ» китобидан ташқари «Аттарих ал-кабир» («Катта тарих»), «Аттарих ас-саҳиҳ» («Кичик тарих»), «Ал-қироату халфа-л-имом» («Имом ортида туриб ўқиш»), «Рафъул-идаани фи-с-салоти» («Намозда икки қўлни кўтариш») каби асарлар ҳам қолган. Шунингдек, имом Исмоил Бухорийнинг «Ат-тарих ал-авсат» («Урта тарих»), «Ат-тафсир ал-кабир» («Катта тафсири»), «Ал-жомеъ ал-кабир» («Катта тўплам»), «Китоб ул-ҳиба» («Ҳадия китоби») каби асарлар ҳам ёзганлиги тарихий манбаларда қайд этилган.

Ислом оламида имом Бухорийдан сўнг яна беш нафар зоти муборак муҳаддис деб эътибор тогганлар: имом Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қушайра ан-Найсабурий (вафоти ҳижрий 261 й.); Имом Исо Муҳаммад ибн ат-Термизий (ҳижрий 209-279 й.й.); имом Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас ас-Сижистоний (вафоти ҳижрий 275 й.); Имом Аҳмад ибн Шуйайб ан-Насойи (вафоти ҳижрий 303 й.).

ТАЙЁРЛОВЧИДАН:

Имом Исмоил Бухорий ҳақида юқоридидаги қисқача маълумот билан танишган муштарийларда имомининг Бухорода туғилганликларино, лекин Самарқанд ҳудудидаги чет бир қишлоқда вафот этишлари ҳайронлик туғдириши табиий.

Мавжуд маълумотларга кўра, имом Бухорий Бухорога қайтиб келиб, ҳадис илминдан мударрислик қилганлар. Амир Холид аз-Зухалии у зотни саройга тақлиф қилган. Имом ҳазратлари илми оёқости қилиб, шоҳлар эшигига боришни лозим топмаганлар ва шу боис амир фармонига кўра Бухорони тарк этишга, самарқандлик уламои киromлар тақлифи билан Самарқандга кетишга мажбур бўлганлар. Бироқ йўлда бетобланиб, Ҳаратан қишлоғида вафот этганлар. Ҳозирда ул зоти муборакнинг қабрлари ўша ердадир. Қабр устига мақбара қурилган. XVI асрда эса Бухоро амири Абдуллоҳон мақбарани таъмирлатиб, унинг ёнига катта масжид қурдирган. Валлоҳу аъламу бисавобиҳ.

й.) ва ибн Мож.

Қуйида улуғ муҳаддис, ислом дунёсининг машҳур алломаси, ватандошимиз Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим ибн ал-Бухорий ал-Жуъфий томонидан тўплаган айрим ҳадислардан ва ул зоти шарифнинг «Ал-адаб ал-Муфрад» («Одоб дурдоналари») китобидан кичик лавҳалар ҳам берилмоқда. Шу ўринда бир нарсани айтиб ўтишни истардик. Ҳадислар айрим манбаларда санад билан (яъни, бу ҳадисни фалончи, фалон кишидан ривоят қилган, деб) нақл қилинади. Баъзи манбаларда (масалан, имом Бағавийнинг «Мисбоҳ» номли китобида) санадсиз, фақат ҳадис матни берилган. Ҳадисларни санади билан тўплаган муҳаддислар санадда номи кўрсатилган кишининг келиб чиқишини чуқур ўрганганлар. Санадда номи қайд этиладиган одам машҳур бўлмаса ёки унинг сўзини бирор илми улуғ зот тасдиқламаса, унинг фикри эътиборга ўтмаган.

Дилмурод Саййид.

ҲАДИСИ ШАРИФ НАМУНАЛАРИ

Яримта хурмони садақа қилиб бўлса ҳам, у бўлмаса одамларга ширинсўзлик, хушмуомала қилиш йўли билан бўлса ҳам оташи дўзахдан сақланганлар.

Жаннатга кириб, унинг дарвозасида: «Садақага ўн савоб, қарз берганга ўн саккизта савоб», деган жумлани кўрдим. Шунда мен ҳамроҳимдан сўрадим: «Эй Жаброил алайҳиссалом, нега садақага ўнта, қарзга ўн саккизта савоб берилур?». Жавоб бердики: «Садақа бойнинг ҳам, камбағалнинг ҳам қўлига тушаверади. Қарз эса фақат муҳтож одам қўлига тушади».

Бир соатгина илм ўрганиш бир кечалик ибодатдан афзал, бир кунлик дарс (илм олиш) уч ой тутилган нафл рўзадан афзалдир.

«АЛ-АДАБ АЛ-МУФРАД»ДАН

«Одоб дурдоналари»

Абу Хурайра айтдилар: Расулulloҳ «ўч тоифа кишиларнинг дуоси ҳеч шубҳасиз Аллоҳ Таоло қошида мақбул: мазлум (ноҳақ зулм кўрган) кишининг дуоси; мусофирнинг дуоси ва ота-онанинг дуоси», деганлар.

Абу Хурайра айтдилар: «Киши ўлгандан кейин нима учундир нуфузи кўтарилиб қолади. Шунда у таажжубланиб: «Эй раббим. Бу даражаимнинг кўтарилиши нимадан ҳосил бўлди?» — деб сўради. Аллоҳ Таоло томонидан: «Эй бандам, орқанда қолган фарзандларининг мен учун қилган истиғфорлари натижасидир», — дейлади.

Абу Хурайра айтдилар: Расулulloҳ «Банда вафот этгандан кейин ундан учта нарсадан бўлак амаллари узилиб қолади: садақан жория; одамларга манфаати тегсин, деб ёзиб қолдирган асарлари ва ўн ҳақиқа дуо қилиб турадиган солиҳ фарзандлари», — дедилар.

КЕЛИШГАНИМИЗ бўйича тушдан сўнг Чилонзор туман ИИБ тергов бўлимига йўл олдим. Мақсадим туман тергов бўлими бошлиғи ўринбосари милиция майори Маҳмуд ака Султонов билан суҳбатлашиб қайтиш эди. Мен етиб борганда Маҳмуд ака ўз иш жойида экан, қисқагина ҳолаҳвол сўрашгач суҳбат мавзусига кўчдик. Мен терговчиларнинг иш фаолияти билан қизиқдим. Шунда Маҳмуд ака мени ҳозиргина жиноят содир этишда гумон қилиниб келтирилган шахсни сўроқ қилаётган терговчи, милиция лейтенанти Ботир Убаев хонасига олиб кирди. Терговчи қаршисида милиция катта сержанти Шокир Абдураимов томонидан келтирилган, ёши қирқлардан ошган, озгин киши турарди.

Маълум бўлишича Сергей Вологин 23-маршрутда қатновчи троллейбусда кетатуриб, фуқаро Рамзи Ёқубованинг 116 минг сўм пулини ўғирлаб олган. Аёл буни

сезиб қолиб, “ёрдам берингла”, деб қичқира бошлаган. Шу троллейбусда милиция катта сержанти Шокир Абдураимов ҳам кетаётганди. Милиция ходими ўғрини дарҳол ушлаб яқиндаги, яъни Чилонзор туман ИИБга олиб келган. Мазкур шахс илгари ҳам судланган, ҳеч қасда ишламайди, фақат ўғирлик билан шуғулланиб юрган. У гувоҳлар олдида айбига иқрор бўлди.

Суҳбатимиз янғи Маҳмуд ака билан давом этди. Дарвоқе, Маҳмуд ака ҳақида икки оғиз. У 1949 йил Андижон вилояти, Қўрғонтепа тумани, Ойим қишлоғида туғилган. 1983 йили ТошДДнинг ҳуқуқшунослик куллиёти кечки бўлимини тугатиб, дипломли бўлган. 1991 йил

ноябридан ҳозирги вазифасида, уч фарзанди бор, газета ўқишга қизиқади.

— Маҳмуд ака, бўлимингизда қанча ходим ишлайди?

— Тергов бўлимингизда йигирма еттита мутахассис жиноятчиликка қарши кураш олиб бормоқда.

— Жиноятларнинг очилиши қандай?

— Бу нарса жиноятчининг қай даражада из қолдириши, қолдирмаслигига, қолаверса, терговчининг маҳоратига боғлиқ. Ўзингиз гувоҳ бўлганингиздек, Сергей Вологин жинояти бир кунга қолмай очилди. Бунга далил-ашёнинг етарли тасдиқ топгани имкон яратди.

— Терговчилик оғир касб дейишпади?

— Умуман осон касбнинг ўзи йўқ. Терговчилик одамдан катта жасорат, фидойилик, чидамли бўлишни талаб этади. Чунки, биз кечаю кундуз тинмай ишлаймиз. Якшанба кунлари ҳам ишлашга тўғри келади. Кечқурунги соат ўн бирларгача ишхонадан жилмаймиз. Терговчи руҳунос ҳам бўлиши керак. Тергов жараёнида гумон қилинаётган шахс билан тил топа олсангизгина яхши натижаларга эришиш мумкин.

— 1993 йил охирига бораёпти...

— Нима демоқчи бўлганингизни тушундим, натижалар билан қизиқаяпсиз-да. Шу йилнинг ўн ойида ходимларимиз 431 та жиноий ишни кўриб чиқиб, судга оширдилар.

— Маҳмуд ака, тергов бўлимининг бошлиғи ўринбосари сифатида шогирдларингиз бордир?

— Албатта, икки йилдан бери бизга келган ёш ходимларни терговчилик соҳасига қизиқтириб, иш ўргатиб келаман. Шогирдларимдан милиция катта лейтенантлари Абдулла Хушвақтов, Комил Эшонқулов, милиция лейтенанти Қаҳҳоржон Пулатовлардан хурсандман, улар ўз ишларига пухта.

Мен Маҳмуд ака билан тўрт соат суҳбатлашдим, шу кунлардаги муаммолар ҳақида анча фикрлашдик. Тергов бўлимидан чиққанымда, соат миллари 20ни кўрсатар эди. Лекин бўлинма терговчиларининг хоналарида ҳали чироқ ўчмаган. Кимдир иш юзасидан сўроқ олиб борар, кимдир машинада тинимсиз ёзар, телефон қўнғироқлари эса тинмасди...

Зокиржон ШАРИФ,
“Постда” мухбири.

КЎНГИЛСИЗЛИКЛАР

Йўлда ҳаракат қоидаларига риоя қилмаслик, меъеридан ошқича тезликда юриш, айниқса спиртли ичимликлар ичган ҳолда рулни бошқариш инсон ҳалокати билан тугайдиган катта кўнгилсизликларга сабаб бўлмоқда.

Денов шаҳрида яшовчи Хуррам Номозовни номаълум автомашина уриб кетди. Ҳайдовчи Номозовни автомашинага солиб, шифохонага олиб келаётганида йўлда жабрланувчи вафот этган. Қўриб кетган ҳайдовчи жасадни шаҳарнинг нон заводи ёнида қолдириб, кўздан гойиб бўлган. Шаҳар ИИБ тезкор гуруҳи олиб борган қидирув ишлари натижасида бу кўнгилсизликни содир этган Денов автобус-такси саройига қарашли ПА3-672 русумли автоулов ҳайдовчиси қўлга олинди.

Мана бу воқеа эса Термиз туманидаги “Наврўз” давлат хўжалиги ҳудудига юз берди. Тумандаги “Намуна” жамоа хўжалигининг бош чўпони Эргаш Турсунов отарни Термизга ҳайдаб бораётганди. Юқори тезликда келаётган “КРА3” русумли автомашина аввал чўпонни, сўнг эса қўйларни урди. Оқибатда қўйчибон ва 24 бош қўй нобуд бўлди. Тезкорлик билан олиб борилган қидирув ишлари натижасида вилоятдаги 2-сон хўнара-техника билим юртига қарашли “КРА3” русумли автоулов ҳайдовчиси Шерали Исмаилов ушланди. У содир этган жиноятини тўлиқ бўйига олди.

С. Нормуродов

ЁПИЛГАН ИШ ОЧИЛДИ

Олинган шум хабар жуда қўрқинчли эди. Шунинг учун ҳаммаёққа дув тарқалди. Фаргона вилояти, Ўзбекистон туманидан прокурор Рустамжон Жалолов, терговчи Шухратжон Қодиров, ИИБ бошлиғи Абдужалил Жўраев, ходимлардан Нуъмонжон Етмишбоев, Анваржон Соттиев, Иномжон Йўлдошев, Икромжон Қосимов, Аҳмаджон Йўлдошевлардан иборат тезкор гуруҳ тузилиб, воқеа содир бўлган жойга жўнади.

Эски Қўқон-Исфара йўлининг тор оралиғи қисмида, кўчадан ўн метрлар чамаси четдаги чуқурликда иккита одам суяғи ётар, бир-бирига қарама-қарши қилиб ётқизиб қўйилганди. Қўлга илинадиган бирорта далил йўқ эди.

Машаққатли қидирув бошланди. Тогда яшовчи кишилар ва воқеа жойидан етти чақирим узоқдаги Исфара шаҳрининг кўпчилик аҳолиси билан суҳбатлашилди. Қўқон атрофи ва Исфарада бедарак йўқолганлар суриштирилди. Натижа йўқ. Лекин иш бетиним давом этди. Ниҳоят, мурдалар ётган ер учинчи бор текширилиб, тош-тупроғи ғалвирдан ўтказилаётганда икки дона металл тиш ва труси парчаси топилди. Энди бедарак йўқолганлар орасидан иккита металл тиши борларни суриштириш мумкин эди. Аммо уринишлар тагин бекор кетаверди. Бир куни участка вакили милиция катта лейтенанти Қосимжон Икромов Исфарадан хабар олиб келди. Унинг айтишича, 1992 йили Россиянинг Тверь шаҳрилик Игорь

Кошанский ва Дмитрий Петров деган кишилар мева сотиб олиш учун Тожикистонга кетиб, бедарак йўқолган эканлар. Терговчилар Тверь билан боғланишди. Топилган ашёвий далиллар мос тушди. Энг муҳими эса улар Тожикистоннинг Офтобруй қишлоғилик О. Набиев деган киши билан бирга йўлга чиққани аниқланди. Исфара шаҳар ИИБда уни сўроқ қилишган, лекин у юқоридаги одамлар билан поездда ажрашиб кетганимиз, деб туриб олгандан кейин иш тўхтатилган экан.


Ўзбекистон тумани терговчилари муқаддам икки марта судланган, бекорчи О. Набиев билан шуғуллана бошладилар. Маълум бўлишича, у Тверга қайинсинглисиникига бориб, Игорь ва Дмитрий билан танишиб қолган. Набиев юртида мева-чева мўллиги, сотиб олишга ёрдам беришни айтган. Унинг гапига лаққа тушган тверликлар 350 минг сўмни белга тутиб бирга йўлга чиққанлар.

Исфара шаҳрига етиб келиб, роса ичкиликбозлик қилишган. Сўнгра машъум воқеа содир бўлган тор орасига гўё дам олгани борганлар. У ерда ҳам майшат давом этган. Бир пайт қотил жўрттага жанжал чиқарган ва Игорнинг қорни, Дмитрийнинг кўкрагига пичоқ урган, бошларини тош билан ёриб ўлдирган. Уларнинг бор пулини олиб, кийимларини ёқиб юборган-да, мурдаларни кўмиб ташлаган.

Шундай қилиб, ёпилган иш очилди, қотил ўз жазосини олди.

Т. МИРЗАРАҲМАТОВ.


ҲАҚИҚИЙ ҲАЁТ МАКТАБИ



Республика ИИБ ички қўшинларининг бўлинмаларида республиканинг ҳамма бурчакларидан чақирилган йигитлар хизмат қиладилар. Улар турли объектлар ва давлат мол-мулкни сақлашни таъминлаш бўйича оддий бўлмаган вазифаларни бажарадилар. Қисқа вақт ичида улар тажрибали мураббийлар раҳбарлигида хизмат маҳорати сирларини ўрганадилар, ўз ишларининг мутахассислари

бўлиб етишадилар, жисмоний жиҳатдан чиниқадилар, маданий-маълумот савияларини оширадилар.

Бу ерда хизмат қилган йигитларнинг фикрича, ички қўшинлардаги хизмат ҳақиқий ҳаёт мактаби бўлди, ҳаётда тўғри йўлни танлашда ёрдам берди. Сир эмаски, хизмат вақтида ўзини кўрсатган йигитларнинг бир қисмига яшаш жойларидаги ички ишлар идораларида ишлаш учун



тавсияномалар берилади. Улар ички ишлар идоралари учун жуда мақбул номзодлардир.

Суратларда: (юқоридан) саф тайёргарлиғи ва курулини ишлатиш усулларини ўргатиш бўйича режали машғулот бормоқда; билъярд столи ёнида дам олинмоқда; бўлинма кутубхонасида; ошхона бошлиғи прапорщик Х. Мусаев (ўнгда) оддий аскар К. Акбаров тайёрлаган овқатнинг таъминини кўрмоқда.

Ҳ. ШОДИЕВ олган суратлар.

Порахўрлик сингари офатга қарши курашиш осон эмас, лекин буни уддаласа бўлади.

Самарқанд вилояти ИИБ иқтисодий жиноятларга қарши кураш бўлини маси томонидан кредит-молия тизими ташкилотлари, қурилиш объектлари, нақлиёт, саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаси, давлат бюджетидан таъминланадиган муассасаларда ўғирликлар, порахўрлик ва бошқа жиноятларнинг олдини олиш ҳамда аниқлашга доир тўққиз ойлик ишга якун чиқарилди.

ТАЪМАНИНГ ОХИРИ ВОЙ

Ўғирлик қилинишининг 81 факти рўйхатга олинди, улар натижасида давлатга 26 миллион сўмлик моддий зарар етказилган. 76 жиноий иш кўзгатилади, келтирилган моддий зарарнинг 78,4 фоизи қопланди.

Қурилиш вазирилик объектларида содир этилган 16 жиноят аниқланди, улар бўйича ҳам жиноий ишлар кўзгатилади. Булардан 570 минг сўмлик моддий зарар кўрилган.

Ёнилги-мойлаш материаллари сотиладиган шохобчаларда ўғирликнинг 20 факти очиб ташланди, улар натижасида давлатга 22 миллион сўмлик зарар етказилган. 17 жиноий иш кўзгатилади.

Қуйида у ёки бу соҳа учун характерли бўлган жиноятлардан мисоллар келтирмоқчиман.

Жомбой туманидаги Давлат назорати инспекциясининг жамоатчи назоратчиси Н. бойишнинг ўзига хос усулини топган. У савдо шохобчаларини текшириш чоғида таъмагирлик билан шугулланган. Бундай “назоратчи” ҳам муқаррар жазодан қутулиб кета олмади. У 66-дорихона мудиридан 80 минг сўм пора олаётганида қўлга тушди. Н. пора эвазига харидорнинг ҳақидан 888 сўм уриб қолганини хусусида тузилган текшириш актини йиртиб ташлаши керак эди. Жомбой тумани прокуратураси томонидан Н. ва унинг шериги 3.га нисбатан жиноий иш кўзгатилади.

ИЖК бўлини маси ходимлари Самарқанд вилояти касалхонасининг раҳбарларидан Ш., шу касалхона жарроҳи Х., Тойлок туман касалхонаси ходими У., туман касалхонасининг бўлим мудири 3. ни ҳам жиноят устида ушладилар. Ҳозир тергов бормоқда.

Бемордан пора олаётган жарроҳ Х. қўлга тушганини сезиб қолиб, тезкор ходимлардан қочиб қутулишга уриниб кўрди, лекин узокка кета олмади.

Тезкор тадбирларни ўтказиш чоғида Самарқанд ИЖК бўлини маси ходимлари томонидан “Жигули” автомашинаси тўхтатилди, уни Богишамол матлубот жамиятининг сотувчиси бошқармоқда эди.

Автомобиль ичидан 232 флакон “Темодез” ва кўктомирларга юбориш учун Туркияда ишлаб чиқарилган, бир марталик 327 та система топилди. Аниқланишича, улар ҳам видоят касалхонасининг жарроҳи Х.га тегишли бўлган, у пора олибгина қолмасдан дори-дармонларни пуллаш билан ҳам шугулланган. Х. илгари ҳам ана шундай ишлари учун қўлга тушган эди.

22 сентябрда Булунгур тумани марказий касалхонасининг шифокори Ш. мактаб ҳарбий таълим ўқитувчисидан 27 минг сўмлик пора олаётган пайтида ушланди. Маълум бўлишича у беморга бутунлай соғлом эканлиги тўғрисида маълумотнома

бериш учун шунча пора сўраган. Ҳарбий таълим ўқитувчисининг мақсади қандай бўлганлиги маълум эмас. Бироқ шифокор ўзи кидирган нарсани топди. Унга нисбатан жиноий иш кўзгатилади. Терговни туман прокуратураси олиб бормоқда.

Кишиларнинг кулфатидан фойдаланиб қолишни хоҳловчилар оз эмас. Ҳеч кимга сир эмаски, ижтимоий таъминот бўлимларида эртадан кечгача нафақадорлар навбатда туришади, улар орасида ногиронлар ҳам кўп бўлади.

Кексалик нафақасини, ногиронлиги туфайли олинадиган нафақасини ёки ногиронлик гуруҳини расмийлаштираётганлар шу ерга келадилар. “Тадбиркор” бундан ҳам фойдаланиб қолишга ҳаракат қилади.

Зеро, баъзи нафақадорлар ишларини тезроқ битириш учун ҳеч нарсани аямайдилар. Пастдаргом туманида яшовчи кишилардан туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Ж. устидан шикоят тушган. У ўзининг хизмат мавқеидан фойдаланиб, нафақаларни қайтадан расмийлаштирганлик учун катта пул таъма қилган. Шикоятни текшириш чоғида фуқароларнинг ижтимоий манфаатлари “ҳимоячилари”: Ж., шу бўлим ходими А. ва воситачи И. жиноят устида қўлга олинган. Ҳозир туман прокуратураси тергов ишларини олиб бормоқда.

Юқорида келтирилган мисоллар порахўрлик сингари офатга қарши курашиш мумкинлигини кўрсатмоқда, лекин ички ишлар ходимларининг фақат ўзлари буни уддалай олмайдилар. Бу йўналишда муваффақиятли ишлаш учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш идораларининг ходимларига аҳоли кенг миқёсда ёрдам кўрсатиши зарур.

Масалан, ургутлик бир фуқаронинг хати телефонларни тақсимлаш ва ўрнатиш чоғида алоқа ходимлари ўз хизмат мавқеларини сунистеъмол қилаётганини аниқлашда ёрдам берди. Туман алоқа бўлимининг бошлиғи Н. томонидан 42 минг сўмлик ўғирлик содир этилган. Унга нисбатан жиноий иш кўзгатилади.

Олий ва ўрта махсус ўқув юртларига қабул қилишда тест усулидан фойдаланиш таъмагирликларга чек қўйгандек бўлиб кўринган эди. Афсуски, тошкентлик У.нинг аризасига қараганда, бундай эмас экан. Самарқанд озиқ-овқат техникумига кириш чоғида ўқитувчи Т. ундан катта пул талаб қилган. Таъмагир пора олаётган пайтида ушланди.

Конунни бу хил бузишларни аниқлаш ва уларни бартараф этишда ИЖК бўлини масининг катта тезкор вакили, милиция майори Р. Шукуров, тезкор вакиллар — милиция капитанлари А. Лукашев, М. Хуррамов ва бошқалар катта ишларни амалга оширишмоқда.

ИЖК ходимлари ўз ишларида аҳолининг ёрдамига таянишмоқда. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга, мансабдор шахсларнинг сунистеъмолларига қарши муваффақиятли курашиш учун биз доимо тайёرمىз. Бу борада тезкор чораларни кўрамыз.

А. ВАХОБОВ,
Самарқанд вилояти ИИБ ИЖК бўлини маси бошлиғи,
милиция подполковниги.

Декабрнинг иккинчи куни эди...

1992 йилнинг 2 декабрь куни Беруний туманидаги ўт ўчириш бўлини масига Киров кўча, 28-уйдан ёнгина чиққанлиги ҳақида хабар тушди. Тезлик билан етиб келган ўт ўчириш командаси аъзолари тилсиз ёв билан “жангга” киришдилар.

Ва, ниҳоят, ўт ўчирилди. Ўт ўчирувчилар уй ичкарисидаги хоналарнинг бирида чала ёнган эркак кишининг жасадини топдилар. Улар бу ҳақда дарров ИИБга хабар қилишди. ИИБ бошлиғи, милиция подполковниги Фарҳод Иброҳимов (ҳозир у бошқа ишга ўтган) бошчилигида ИИБ ЖҚБ бошлиғи милиция капитани Баҳромбой Тўраниёзов, милиция майори Давлат Қурбонниёзовлар, туман прокуратурасининг катта терговчиси Асқар Болтаков зудлик билан воқеа содир бўлган жойга етиб келишди. Текширув натижасида марҳум, шу уйнинг эгаси Эллиққалъа туманидаги дўконларнинг бирида мудир бўлиб ишлайдиган А. Ислон экани маълум бўлди.

Судмедэкспертиза ходимлари марҳум қасддан бошига қаттиқ жисм билан уриб ўлдирилган, сўнг шам чироқ билан уйга ўт қўйиб кетилган деган хулосага келишди.

ИИБ тезкор гуруҳи ва прокуратура ходимлари бу ҳодиса юзасидан жиноий иш кўзгатилиб, суриштирув ишларини бошлаб юборишди. Қидирув ишлари 2 ойга

яқин давом этди. 54 кун ичида жиноятчилар қўлга олиндилар.

Жиноятчиларни аниқлаш ва уларни қўлга олишда юқорида номлари тилга олинган ИИБ ходимлари билан биргаликда Эллиққалъа тумани ИИБ ходимларининг хизматлари ҳам катта бўлди. Шундай қилиб, хавфли жиноятчилар қўлга тушди. Хўш, булар кимлар экан дерсиз? Марҳамат, танишинг, биринчиси

ишламайдиган Икром Муллабоев экан.

Қотиллар марҳум А. Ислон билан аввалдан таниш бўлганликлари учун ҳам унинг ишончини қозониб келганлар. Бир куни улар Ислонникига боришса, уйда ёлғиз ўзи ўтирибди. Хотини ва болалари Хоразмга, қайнотасиникига кетишган бўлишади. Бундан фойдаланган икки жиноятчи Ислондан катта миқдорда пул топиб беришни талаб қилишади. Уни уриб, қўрқитишади. Натижада бошига қаттиқ жисм билан уриб ўлдириб қўйишади. Бундан ташвишга тушган жиноятчилар изларини йўқотиш мақсадида уйга ўт қўйиб, қочиб кетишади. Уйдан чиқаётиб, кўплаб қимматбаҳо буюмларни ўғирлаб кетишади.

Жиноятчилар қанчалик айёр бўлиб, жазодан қанчалик қочишмасин ИИБ ходимларининг олиб борган суриштирув ишлари натижасида уларнинг бундан кейинги қиладиган жиноятларининг пайи қирқилди.



Қорақалпоғистон Республикаси Олий суди бу икки жиноятчиға Ўзбекистон Республикаси ЖМнинг 80 ва 125-моддаларини қўллаб, уларни энг олий жазога — ўлимга маҳкум этди. Ҳа, бундайлар фақат шу жазога лойиқдир.

Саъдулло БОБО.



1968 йилда тугилган Хўжайли шаҳар Пригородний кўча, 418-уйда яшаган Абдукаир Саруров. Оилалик. Ҳайрон қоладиган жойи шундаки, у қотилликка қўл ургунга қадар (илгари судланган) шартли жазо муддатини гишт заводида ишчи бўлиб ўтаб юрган. Иккинчиси, 1969 йилда тугилган, Эллиққалъа тумани “Октябрь 60 йиллиги” давлат хўжалигининг 13-бригадасида яшайди, ҳеч қаерда

СУРАТЛИ ХАБАРЛАР



Тошкент шаҳар ИИББ ИЖК ходимлари томонидан “Умид-92” дўконига олиб борилган тафтиш натижасида 234 шиша “Столичная”, 157 шиша “Русская” ароғи, 27 шиша “Грузинская” коньягининг ҳеч қандай ҳужжатларда қайд этилмаганлиги аниқланди.

Текширув жараёни шуни кўрсатдики, ушбу дўкон мудири (тергов ишлари кетаётганлиги сабабли айбдорларнинг исми шарифларини ошкор қила олмаймиз) ароқ ва коньякларни икки нафар танишларидан олган. Танишлар эса маҳсулотни ўз “завад”ларида тайерлаганлар ва келишилган савдо дўконларига таркатганлар. Улар яшайдиган ва “ишлайдиган” хонадон текшириб чиқилди ва топилган 460 шиша ароқ, 240 литр спирт, 200 дона бўш шиша, ёрлик ва қопқоқ епувчи мосламалар ашёвий далил сифатида хатланди.

Ҳозирда юқоридаги шахслар устидан жиноий иш кўзгатирилган.

Олой бозорида лимон билан чайковчилик қилаётган Х. исмли, бир неча баробар ошкоча нархда помидор (ҳеч қандай ҳужжатсиз) сотаётган Е. исмли шахслар устидан ҳам жиноий иш кўзгатирилди.

Тошкент шаҳар “Отчопар”ида икки дона “Хива” гиламининг ҳар бирини 400 минг сўмдан пуллаётган С. исмли шахс ушланди. У шериги билан бирга дўкондан бир донанининг баҳоси 100080 сўм бўлган 20 дона гиламини 150 мингдан сотиб олишиб, 400 минг сўмдан қайта пуллашни ният қилган эдилар.

Бу икки фуқародан умумий ҳисобда 29 дона гилам ва икки миллион сўм пул олинган. Агар чайковчиларнинг ниятлари амалга ошганларида эди, улар 13 миллион 92 минг сўм соф фойда кўрган бўлардилар...

Юқоридагилар устидан жиноий иш кўзгатирилган.

Ушбу жиноятлар шаҳар ИИББ ИЖК 3-бўлими бошлиғи, милиция майори Г. Қодиров, ИЖК катта тезкор вакиллари, милиция майори Р. Аббосов, Т. Айтмбетов, тезкор вакиллар, милиция капитани К. Солиев, милиция катта лейтенанти Б. Нурмамедовларнинг фаол ҳаракатлари натижасида аниқланди.

Л. АБДУЛЛАЕВ,
шаҳар ИИББ ИЖК 3-бўлими бошлиғининг ўринбосари, милиция подполковниги.
Суратларни Б. Холмирзаев олган.

«Бақувват ёшлар мамлакатни ҳам бақувват қиладилар»

Пойтахтимиздаги «Динамо» спорт клуби ҳақида бирмунча маълумотга эгасиз. Газетамиз орқали клуб фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи туркум мақолалар эълон қилинган. Қуйидаги суҳбатда эса шу клуб қошида фаолият кўрсатаётган «Махсус тайёрлов маркази» ҳақида, марказ олиб бораётган ишлар хусусида тўхталиб ўтишган.

Марказдаги қўл жанги машғулотларини 1984 йилдан бери Рустам Илҳомов олиб боради. Р. Илҳомов эркин кураш бўйича мастерликка номзод. 1989 йили собиқ иттифокда ўтказилган қўл жанги бўйича мусобақа голиби. Умуман, 17 йилдан бери спорт билан шугулланиб келади. Милиция капитани.

— **Рустам ака, «Махсус тайёрлов маркази»нинг мақсади ва ташкил этилиши ҳақида гапириб берсангиз.**

— «Махсус тайёрлов маркази»нинг асосий мақсади ички ишлар идораларига соғлом, жасур, ҳар қандай қийинчиликлардан ҳайқмайдиған ешларни

тайёрлаб беришдир. Шу билан бирга қўл жанги, сирларини ёшларга ўргатиш, ўз-ўзини ҳимоя қила биладиган йигит-қизларни кўпайтириш ҳамдир.

Марказни ташкил этишда Герман Бронеславич Тен билан бирга катта ишларни амалга оширишга тўғри келди. Шу ўринда мутасадди ташкилотларнинг кўрсатган амалий ёрдамларини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Герман Бронеславич ҳақида икки оғиз гапириб ўтмоқчиман. Чунки у жуда тажрибали, шогирдларини қадрлай биладиган мураббий. Бокс бўйича Россия чемпиони, Волгоградда шу тур бўйича ДХК ходимлари ўртасида ўтказилган мусобақада 5-ўринни эгаллаган. Ўзбекистонда унинг шогирдлари талайгина.

Юқорида айтиб ўтганимдек, Марказда милиция ходимлари билан биргаликда ўсмир йигитларга ҳам қўл жанги сирларини ўргатаймиз. Уларнинг сони ҳозирда юз нафардан ошди.

— **Шогирдларингиздан**

кимларни санаб ўта оласиз?


— Катта нозир, самбо бўйича жаҳон чемпиони Азамат Тўраев, қўл жанги бўйича собиқ иттифок чемпионлари Ойбек Ҳасанов, Сергей Ким, республикамиз чемпионлари орасидан Рустам Хўжаев, Тоҳир Шомуродов, Константин Бочкаревларни айтишим мумкин. Ўсмирлар орасида ҳам А. Коловин, Р. Алешин, Ф. Йўлдошев, А. Илҳомов ва А. Монжелевский каби умидли шогирдларим бор.

— **Келажак режалар...**

— Режамиз бўйича янги йилда 5-6 та мусобақа ўтказиш ниятидамиз. Бу мусобақаларга ҳамдўстлик мамлакатлари спортчиларини ҳам таклиф этмоқчимиз. Тайёргарлик ишларини эса бошлаб юборганмиз.

Хуллас, давлатимиз посбонлари — ёшларимизни жисмонан бақувват қилиб тарбиялаш асосий мақсадимиз. Зеро, бақувват ёшлар мамлакатни ҳам бақувват қиладилар.

Ш. ТОҒАМУРОД ўғли суҳбатлашди.



СУКУНАТ.

А. САПАРМАТОВ суратли лавҳаси.

Ҳозирги вақтда хорижий давлатларнинг фирмалари, иш-билармонлари билан ҳамкорликда корхоналар ташкил этилиб, тайёр халқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга бўлган эътибор тобора ошиб бораётир. Мамлакатимизнинг кўпгина вилоятларида, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси, Фарғона, Самарқанд, Тошкент, Хоразм, Андижонда йирик корхоналар барпо этилмоқда. Бу таҳсинга сазовор иш бўлсада, бироқ қурилатган ишхоналарнинг баъзиларида ёнгина қарши қаратилган чора-тадбирлар талаб даражасида ҳал этилмапти. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, содир бўлган ёнгиналарнинг кўпчилиги давлат ёнгиндан сақлаш нозирларининг берган ёзма кўрсатмалари ишлаб чиқариш корхоналари раҳбарлари томонидан ўз вақтида бажарилмаганлиги оқибатидир.

Утган йилнинг 21 июнида Наманган вилоятининг Поп шаҳрида жойлашган нотўқима материаллар ишлаб чиқариш фабрикасида ёнгина содир бўлди. Натижада 20 минг квадрат метр майдонга жойлашган ишлаб чиқариш биноси ва 72 мил-

"01" огоҳлантиради! ЁНГИН АВТОМАТИКАСИГА ЭЪТИБОР БЕРАЙЛИК

лиард сўмдан зиёд моддий бойликлар ёниб кетган.

1993 йил 9 июлда Тошкент шаҳридаги Италия билан ҳамкорликда қурилган пластмасса бўйимлар ишлаб чиқариш корхонасига содир бўлган ёнгина 90 миллион сўмдан кўп моддий зарар етказди.

Бундай мисоллардан яна кўплаб келтириш мумкин. Ёнгина оқибатида минглаб ишчилар бир неча кунлаб ишсиз қолишади. Қолаверса, уларнинг моддий шароити оғирлашади. Ота-буваларимиздан қолган гап бор: "Ўт балосидан, сув балосидан ўзи асрасин". Ёнгиналар офати бир қанча кишиларнинг умрига завоҳ бўлмоқда, бир умрга майиб, мажруҳ қилиб қўймоқда.

Ёнгини ўз вақтида ўчириш мумкин. Ҳозирги техникамиз бундай машкул ишни бажара олади. Кўпгина

корхона раҳбарлари ёнгина автоматикасига эътибор беришмаяпти ёки у яроқсиз аҳволда ишлатиб келинмоқда. Агарда ёнгиндан хабар берувчи ва автоматик равишда ўчирувчи мосламалар соз бўлганида юқорида кўрсатилган ёнгиналар содир бўлмас эди.

Афсуски, бундай автоматикалар республикамиз ҳудудида жойлашган кўпгина корхоналарда носоз аҳволда. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнгиндан сақлаш бошқармаси ходимлари вилоятларда бўлиб, ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларнинг ёнгина хавфсизлигини таъминлаш борасида олиб боришаётган ишларини текшириб келдилар.

Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида жойлашган Хўжайли ип-йигирув фабрикаси, Хоразмдаги ип-

йигирув корхонаси, Термиз тикув фабрикаси, Фарғона вилоятининг Бешариқ туманидаги момиқ фабрикаси, Жиззах пластмасса заводида ёнгини автоматик равишда ўчирувчи ускуналар бир неча йиллардан бери носоз аҳволда ётгани аниқланди ва жиддий чора-тадбирлар кўрилди. Афсуски, республикамизда бундай ишлаб чиқариш корхоналари кўплаб топилади.

"Кўза кунда эмас, кунда синади", деган нақл бор. Агар корхона раҳбарлари ўз вақтида автоматик мосламаларни тузаттирмасалар, бу уларнинг лоқайдликларидан даракдир. Бугунги иқтисодий тангликда халқимиз мулкини ёнгиндан сақлаш учун бутун куч-қудратимизни аямаслигимиз керак. Бошқа ривожланган мамлакатлардаги сингари ёнгиннинг олдини олиш ишларини, яъни ёнгина автоматикасини созлаб қўйишга эътибор берайлик.

А. АҲМЕДОВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИБ
Ёнгиндан сақлаш бошқармаси
меъёр-амалиёт бўлимининг
катта муҳандиси,
ички хизмат капитани.

Қидирилмоқда



Зангиота тумани ИИБ томонидан бедарак йўқолган **Роза (Азиза) Нисанбоевна Шаяхметова** қидирилмоқда. У Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Бўзсув шаҳарчасидаги Ботир кўчаси, 51-уйда истикомат қилиб келган. Шу йилнинг 7 октябрида Роза (Азиза) касалхонага кетган ва шу бўйи қайтмаган.

Белгилари: 1976 йилда туғилган, бўйи 168-170 см. атрофида, тўладан келган, сочи қаштан рангида, бурни тўғри ва катта.

Кийими: эғнида йўлбарс расми туширилган сариқ рангли кўйлак, еқали шерст жемпер, қора, гулли колготка, оёғида қора туфли бўлган.

Р(А). Шаяхметованинг кейинги тақдирдан огоҳ бўлганлардан бу ҳақда Зангиота тумани ИИБга еки энг яқин милиция бўлимига хабар беришларини сўраймиз.

1987 йилда Янгийўл педагогика билим юрти томонидан Феруза Сидиқовна Сапарова номига берилган ИГ 840292 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Нақлиёт бошқармаси раҳбарияти ва шахсий таркиби Тошкент Жанубий шохбекати тармоқ ИИБ ЖКБ тезкор вакили, милиция катта лейтенанти **Абдумалик Маматович ҚОДИРОВ**нинг хизмат бурчини ўтаётиб, фожияли ҳалок бўлганлиги муносабати билан марҳумнинг онла аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Кашандалар эътиборига!

Тамакининг асосий таъсир этувчи моддаси никотиндир. Бу алколоидни 1825 йили Поселът ва Рейман деган олимлар биринчи марта тоза ҳолда ажратиш олишган. Тамаки баргларидан, одатда бир фойздан бир ярим фойзгача никотин бўлади, лекин баъзи навларда унинг миқдори 6-8 фойзгача етади. Массаси 1 грамм келадиган битта сигаретда, одатда, 10-15 мг., 10 грамм келадиганида эса 150 мг. гача никотин бўлади. У асосан нерв системасига, овқат ҳазм бўладиган, шунингдек, нафас ва юрак-томирлар системасига таъсир қиладиган ҳаддан ташқари кучли заҳардир.

Қўпинча, бир томчи никотин отни ўлдиради, дейишади. Ҳақиқатан ҳам ҳайвон ўлиши учун ушбу модданинг жуда кичик

НИКОТИННИНГ ТАЪСИРИ БОРМИ?

дозаси кифоя. Аниқ қилиб айтганда, бир томчи тоза никотин ҳар бирининг вазни ярим тоннача келадиган учта отни ўлдиришга етади. Хўш, нима сабабдан мудом сигарета чекиш жараёнида одам жуда катта дозадаги никотинга бардош беради? Биринчидан, шунинг учунки, алоҳида олинган ҳар бир сигаретадаги никотин дозаси ўлдирадиган дозадан анча кичик бўлади ва одам бир нечта сигаретани устма-

уст чекканидан кейингина унда ўлимга олиб борадиган талваса ҳолати бошланиши мумкин. Иккинчидан, одам бу заҳарга тез ўрганиб қолади, бундан ташқари, буйрақлар орқали организмдан тез-тез чиқариб турилади.

Никотиндан заҳарланиш мумкинми?

Организмга катта дозада никотин киришдан нобуд бўлганлар ҳам йўқ эмас. Масалан, Францияда ёшлар тамакига ким қанча чидаши бўйича мусобақа ўтказишган. Бошқаларга қараганда кўпроқ тамаки чеккан йигит махсус мукофот олиши керак бўлган. Бироқ "голиб" бунга муяссар бўлолмай, 60 та сигарета чекишдан кейин ўлган. Даврадаги бошқа тенгдошлари оғир ҳолатда госпиталга жўнатилган.

- Кўчириб босишда «Постда»дан эканлигини кўрсатиш шарт.
- Мақолада келтирилган рақамлар, фактлар ва бошқа маълумотлар учун, шунингдек, очиқ эълон қилиниши мумкин бўлмаган маълумотлар учун муаллиф жавобгар ҳисобланади.
- Муаллифнинг мулоҳазаси таҳрир афкорида мос тушмаслиги мумкин.
- Қўлёзмалар таҳлил қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000021. Буюртма Г — 710, 33.130 нусхада босилди. Ҳажми — 2 босма табоқ. Босилиш — офсет усулида. Босишга топшириш вақти — 19.00. Босишга топширилди — 19.00.

ТЕЛЕФОНЛАР: муҳаррир — 39-70-40, муҳаррир ўринбосари — 39-77-23, масъул котиб — 59-29-66, муҳбирлар бўлими — 59-20-92, умумий бўлим — 59-21-21.

Обуна рақами — 64615.

Муҳаррир
Зокир ОТАЕВ

МАНЗИЛГОҲИМИЗ:
700029, Тошкент,
Наврўз кўчаси, 1.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.